БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 182 (19.558). • 1986 йил 6 август, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

ҚАРДОШЛАР МУСОБАҚАСИ — ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

АВГУСТ — ҲОСИЛ ОЙИ

— Йил бошидан буён қилган меҳнатимиз самараси кўзга кўринди қолди. Ёмғирдан, дўлдан, кучли шамоллардан сақлаб қолинган ғўзалар шона, гул ва кўсаклардан сиргалар тақди, — деб ёзади Андижон область Комсомолобод районидаги «КПСС XXIV съезди» совхозининг механик-ҳайдовчиси, республикада хизмат кўрсатган механизатор А. Бўриев. — Катта имтиҳон — «оқ олтин» йиғим-терими бошланадиган кунлар яқин. Барча пахта майдонларимизда ҳаёт жўш урмоқда...

Ҳа, шу кунларда республикамиз пахта далаларида ҳаёт қайнамоқда. Механизаторлар, чопиқчилар, сувчилар, химизаторлар — ўз тақдирларини пахта тақдири билан боғлаган кишиларнинг ҳаммаси саратон офтоби остида сув камчиллигини енгиб, улкан хирмонга мустаҳкам замин яратмоқдалар. Мавжуд резерв ва имкониятлардан омилкорлик билан фойдаланаётган, меҳнатни тўғри ташкил этаётган, мўл ҳосил олаётган совхоз ва колхозлар ҳақида кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Маҳаллий ўғитлардан кенг фойдаланиш ҳисобига ҳосилдорликни ошириш соҳасида баракали ишлаётган Тошкент ва Хоразм пахтакорларининг тажрибаси таҳсинга лойиқ.

Шуни ҳам айтиш керакки, айрим районлар, колхоз, совхозларда ғўза парваришида июль ойи қониқарсиз якунланди. Қатор ораларига комплекс ишлов бериш бўшаштириб юборилди. Суғориш билан культивация ораларида узилишлар рўй берди. Бегона ўтлар тўла тугатилмади. Усимликнинг бир қисми чанқатиб қўйилди. Нам бўлганидан сақлаб қолинмади. Қишлоқ хўжалик зараркунандалари, касалликларга қарши таъсирчан чоралар кўрилмади. Чеканка ўтказишда ҳамон сусткашликка йўл қўйилмоқда. Бундай аҳвол Пахтачи, Қизилтепа, Қораўзак, Ғузор, Тўрткўл районлари хўжаликларида кўпроқ учрамоқда. Шуниси ажабланарлики, бу районларнинг партия, совет ташкилотлари, агросаноат бирлашмаларининг раҳбарлари йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ҳақида кўп ваъдалар бераётган бўлсалар-да, ғўза парваришида сезиларли ўзгаришга эришаётганлари йўқ.

Ана шу муаммоларни бугун — ҳозироқ ҳал қилиш керак. Барча ташкилий-сиёсий ва хўжалик ишини бош вазифага, янги беш йилликнинг тўғриғ йилида пахтадан мўл ҳосил етиштиришга қаратиш лозим. Масала кўндаланг турибди. Биз бу ишни уддалай оламизми ё йўқми! Гап ана шу ҳақда бормоқда. Бу — биз учун имтиҳон.

Ҳозир пахта майдонларининг 30 процентида ғўза ривожи ўтган йилга нисбатан тахминан 15 кун орқада қолмоқда. Бир қанча ерларда агротехника қоидалари бузилмоқда, деҳқончилик маданияти паст. Бу йилги сув тақчиллиги шароитида умуман, республика бўйича ва айниқса, Қорақалпоғистон АССР, Бухоро, Қашқадарё ва Навоий областларида сувдан фойдаланиш коэффициенти ғоят паст. Бухоро областида 14 минг ўринга 7 минг, Навоий областида 7 минг ўринга 3 минг, Жиззахда 11 минг ўринга 7 минг сувчи ишламоқда, холос. Оқибатда далалар айрим ҳолларда кўллатиб суғорилмоқда, жойларда сув зовурларга оқизилмоқда. Бундай хотиржамлик ва масъулиятсизлик ҳолларининг олди олиниши учун хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларининг жавобгарлигини ошириш керак.

Пахтачиликда энг долзарб паллалар бошланди. Август ойида пахтакорларимизнинг иши июль ойидагига нисбатан 1,5—2 марта ортади. Улар мавжуд ҳосил нишоналарини тўла сақлаб қолиш билан ҳосилга ҳосил қўшишлари, кўсакларнинг эртароқ очилишига қулай шарт-шароитлар яратишлари, бунинг учун ой давомида ҳамма майдонларда камида икки марта, ғўзанинг авжи паст майдонларда табақалаб уч марта комплекс парвариш ўтказишлари лозим. Ой охирига қадар бирор киши, бирор техника воситасининг пайкаллардан чиқиб кетишига йўл қўймаслик, аксинча, парваришни кучайтиришга қўшимча куч сафарбар этиш зарур. Бу айниқса, ўтган йили пахта тайёрлаш планлари ва мажбуриятларини бажармаган колхозлар, совхозлар, районларнинг раҳбарларидан қаттиқ масъулият талаб қилади.

Республика партия ва ҳукумати бу йил машинада териладиган пахта миқдорини камида 3,5 миллион тоннага етказиш вазифасини қўйди. Зеро, машина теримининг самараси кўпчилик колхоз ва совхозлар, районлар, бутун-бутун областлар миқёсида исбот.ланган. Масалан, ўтган йили машинада терилган пахтанинг ҳар тоннаси 35-45 сўм атрофида бўлиб, қўлда терилган ҳар тонна пахта таннархидан 30-40 процент арзонга тушди, сифати ошди, ассортименти яхшиланди. Шундай экан, терим машиналарини ҳозирданоқ тайёрлаш лозим, уларнинг ҳаммаси сифатли ремонтдан чиқарилиши ва сентябрь ойига қадар тўла-тўкис тахт қилиб қўйилиши зарур.

Яқинларгина матбуотда республикамизнинг бир группа таниқли пахтакорлари имзоси билан машина теримига катта эътибор бериш тўғрисида чақириқ эълон қилинди. Чақириқда таъкидланганидек, бутун дала ишлари машиналар, механизм ва агрегатларни пахта йиғим-теримига мукаммал тайёрлаш билан боғлаб олиб борилиши керак. Токи, республикамизда пахтанинг ўртача йиллик ялпи ҳосилини оширишга, тола ишлаб чиқариш ва етказиб беришни 1 миллион 830 минг тоннага чиқаришга эришайлик. Бунинг учун биз ҳозирдан 1990 йил кўрсаткичларини нишонга олиб ҳаракат қилмоғимиз, ўртача ҳосилдорликни гектар бошига 29 центнерга етказишимиз, бошқача айтганда, ҳосилдорликни ўтган 1985 йилга нисбатан 2 центнерга оширишимиз лозим. Бу — реал вазифа!

Партия ташкилотлари ҳосилга ҳосил қўшиш ойи — август кунларида қишлоқ меҳнатчилари орасида оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ва идеология ишларини янада кучайтириб, таъсир доирасини кенгайтирмоқлари, интизомни мустаҳкамлаш чораларини кўрмоқлари, беғамлик, бепарволик, ўзибўларчилик кўринишларига қаттиқ зарба бермоқлари керак.

Мана шундай долзарб кезларда республикамиз пахта далаларига мусобақадош Тожикистон, Туркманистон ва Озарбайжон республикаларидан келган ўзаро текшириш бригадалари қатор пахтачилик хўжаликларимизда бўлиб, ишдаги муваффақиятлар билан бирга мавжуд камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтаётганлиги, ўзларининг қимматли маслаҳатларини бераётганлиги диққатга сазовордир. Зеро, қардош республикалар меҳнаткашларининг дўстлиги, амалий ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдами қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида юксак натижаларга эришишда ҳамиша ҳаётбахш куч бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади.

Бугун эришилган юқори кўрсаткични эртага ҳамманинг нормасига айлантириш учун социалистик мусобақани авж олдирайлик.

ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИ

4 август куни СССР Олий Совети Президиуми аппарати партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда коллективнинг «Халқ депутатлари Советларига партия раҳбарлигини янада такомиллаштириш тўғрисида» КПСС Марказий Комитетининг қарорини ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш учун халқ депутатлари Советларининг ролини янада ошириш ва уларнинг масъулиятини кучайтириш чоралари тўғрисида»ги қарорини рўёбга чиқариш билан боғлиқ вазифалари муҳокама этилди.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико доклад қилди.

(ТАСС).

ПАХТАКОРЛАРИМИЗ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ МАМЛАКАТ МЕҲНАТКАШЛАРИГА МУРОЖААТНОМАСИДАН ИЛҲОМЛАНИБ, МУСОБАҚАДОШ ДЎСТЛАР МАСЛАҲАТИ АСОСИДА ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ КУН САЙИН АВЖ ОЛДИРМОҚДАЛАР.

ОЗАРБАЙЖОНЛИК ҚАРДОШЛАР ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ПАХТАЗОРЛАРИДА

ЎРГАНАМИЗ, ЎРГАТАМИЗ

Қардош Озарбайжон республикаси ўзаро текшириш бригадаси аъзолари Тошкент области далаларига келишди. Озарбайжонликлар текширишни пойтахт областининг Янгийўл районидан бошладилар. Улар райондаги «Коммунизм» колхози далаларини кўздан кечиришар эканлар, ғўзалар серҳосил бўлиб ўсаётганлигидан, қатор ораларига ишлов бериш сифати юксаклигидан, суғориш, озиқлантириш яхши ташкил этилганлигидан мамнун бўлдилар.

— Мен қардош ўзбек халқи пахтакорларини ўзимнинг устозим деб биламан, — деди Муродов Агалат Иззат ўғли. — Мана бугун биз ўзбек диёрида пахтакорлик бобида ном чиқарган Маҳмуд ака Исматов бошлиқ хўжаликда бўлиб, ғоят қувондик. Хўжалик аъзолари ҳар гектар ердан 40 центнерга яқин ҳосил кўтариш учун курашмоқдалар. Ҳозирги кунда ғўзаларнинг ривожи кўзланган марра, албатта эгалланишдан далолат берянти. Биз, ўзаро текшириш мобайнида ўз тажрибаларимизни тошкентлик пахтакорларга гапириб бериш билан бирга, улардан ҳам жуда кўп омилкорлик сирларини ўрганяпмиз ва буни боргач, ўз далаларимизда ҳам синашга сўз берамиз.

Мусобақадошлар областдаги бошқа районлар, хўжаликларида ҳам бўлиб, пахтакорларнинг ишлари билан яқиндан танишмоқдалар. Ғўза парваришидаги айрим камчиликларни кўрсатиб ўтиб қимматли маслаҳатлар бермоқдалар.

Суратда: Озарбайжонлик мусобақадошлар Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози далаларида. (Чапдан) ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими президиуми раисининг ўринбосари Ш. Ибраҳимов, Мартичарлин районидаги Нариманов номли колхоз бригада бошлиғи Муродов Агалат Иззат ўғли, Барда районидаги А. Асанов номли колхоз партия ташкилотининг секретари Ибрагимов Азад Магамедали ўғли, «Коммунизм» колхози раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маҳмуд Исматов, АзНИИХИ генетика институтининг катта илмий ходими Мамедов Фахриддин Халил ўғли хўжалик пахтазорларини кўздан кечирмоқдалар.

А. ЗУФАРОВ фотоси.

МУСОБАҚАДОШ ТУРКМАНИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ — ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА

ПАРВАРИШ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Қорақалпоғистон автоном республикаси деҳқонлари қўшни Туркманистон ССР Тошовуз области дала меҳнатчилари билан азалдан мусобақалашиб келмоқдалар.

Меҳмонлар ўзаро текширишни Хўжайли районидан бошладилар. Район пахтакорларининг ишлари меҳмонларда яхши таассурот қолдирди. Улар сув танқис келган бу йилги шароитда 43 минг 500 тонна «оқ олтин» етиштириш устида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Шу райондаги Ленин номли колхоз аъзолари 1814 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33 центнердан ҳосил кўтариб, ялпи хирмонни 6 минг тоннага етказиш устида қизғин иш олиб бормоқдалар.

Бироқ райондаги «Коммунизм», Энгельс номли колхозларда ғўза қатор ораларига ишлов бериш сифати яхши эмас. «Амударё» совхози ва Охунбобоев номли колхозда ғўзани механизмлар ёрдамида чеканка қилишга етарли эътибор берилмаяпти. Амударё, Беруний, Элликқалъа районлари колхоз ва совхозларида ривожланишдан орқада қолаётган ғўзалар бор. Ленинобод районидаги хўжаликларда ҳалигача ғўзалар бегона ўтлардан тўла тозаланмаган.

Пахтани машинада териб олишга тайёргарликнинг ҳозирги аҳволи талаб даражасида ташкил қилинмаяпти. Техникани теримга созлашдаги камчиликлар ҳамон давом этмоқда. Туркманистонлик мусобақадошлар бундай камчиликларни рўйрост айтиб, уларни бартараф этиш юзасидан қимматли маслаҳатлар бердилар.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советида

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Мамлакат дон хўжалиги барқарорлигини ошириш ва ўн иккинчи беш йилликда ем учун ажратиладиган дон ресурсларини кўпайтириш чоралари тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

Қабул қилинган қарорда ҳозирги шароитда дон проблемасининг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий аҳамияти беқиёс ўсиб бораётганлиги таъкидланади. Озиқ-овқат комплексидаги бу асосий проблема партия XXVII съезди томонидан қўйилган мамлакатни қисқа вақт ичида озиқ-овқат билан тўла таъминлаш вазифасини ҳал этишда муваффақият негизидир.

Сўнгги йилларда моддий-техникавий базани мустаҳкамлаш, социал инфраструктурани ривожлантириш юзасидан кўрилган чоралар деҳқончиликнинг интенсивланишига, дон хўжалиги барқарорлигининг бирмунча ўсишига, деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришнинг кўпайишига ёрдам берди.

Шу билан бирга олинаётган ялпи ҳосил мамлакатнинг донга эҳтиёжини таъминлай олмаяпти. Емдаги оқсил моддасининг номутаносиблиги оқибатида ем учун ажратилган доннинг анча кўп ортиқча сарфланишига йўл қўйилмоқда, бу эса дон етишмовчилигини кучайтирмоқда. Раҳбарлар ва мутахассисларнинг бир қисмида тайёрига умид қилиш кайфияти, уруғлик учун ҳам, чорвачилик учун ҳам давлат ресурсларидан дон олишга интилиш илдиз отмоқда.

СССР Давлат агросаноат комитети ва унинг жойлардаги органлари, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари дондан оқилона фойдаланиш юзасидан самарали иш олиб бормаяптилар, бу иш ўрнига тежамкорлик ҳақидаги умумий даъватлар билан чекланмоқдалар. СССР Ғалла маҳсулотлари министрлиги тармоқда фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга жуда бўш таъсир қилмоқда, корхоналарда нон—булка, макарон маҳсулотлари, шунингдек омихта ем сифатсиз ишлаб чиқарилишига, қайта ишлаш ва сақлаш вақтида доннинг нобуд бўлишига йўл қўймоқда. Бу ва шунга ўхшаш салбий ҳодисаларга партия комитетларида ҳам принципиал баҳо берилмаяпти.

Аҳволни тубдан ўзгартириш, дон хўжалигини ривожлантиришни жадаллаштиришга ҳамда унинг барқарорлигини оширишга эришиш учун партия, совет ва хўжалик органлари, агросаноат бирлашмаси ҳамда у билан боғлиқ бўлган тармоқлар меҳнат коллективлари кўп куч-ғайрат сарфлашлари талаб қилинади. КПССнинг ҳозирги пайтдаги аграр сиёсати, қишлоқдаги янги иқтисодий вазият, агросаноат комплексида хўжалик юритиш механизмини такомиллаштириш, дон харид қилишнинг барқарор планлари, хўжаликларнинг ташаббускорлиги ва мустақиллигини ривожлантириш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ўстириш учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтиради ҳамда йиғиштириб олинадиган ялпи донни мамлакатнинг тобора ортиб бораётган эҳтиёжини таъминлайдиган миқдорда кўпайтириш мақсадида ана шу шарт-шароитлардан тўла фойдаланилиши лозим.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети итттифоқдош республикалар компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область, район партия комитетлари, СССР Давлат агросаноат комитети, СССР Госплани, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, СССР Ғалла маҳсулотлари министрлиги, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, ўлка, область ва район ижроия комитетлари зиммасига ҳар бир колхоз ва совхоз, регион бўйича дон хўжалигини ривожлантиришнинг аҳволини ҳар томонлама ва танқидий қараб чиқиш, ўн иккинчи беш йилликда унинг барқарорлигини анча ошириш, озиқ-овқат программасига мувофиқ равишда талаб қилинаётган миқдорда сифатли дон етиштиришни кўпайтириш юзасидан амалий чораларни ишлаб чиқиш ва уларни рўёбга чиқариш ҳамда шу йўл билан партия XXVII съезди томонидан ана шу соҳага қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун пухта асос яратиш вазифасини юкладилар.

Дон етиштиришни ривожлантиришга катта аҳамият берилиб, зарур моддий-техникавий ресурслар, илмий кучлар шу ерга жамлансин, интенсив технологиялар кенг жорий этилиши таъминлансин, давлат омборларига режалаштирилган миқдорда дон, дуккакли дон ва ёрма гарантияланган тарзда келтирилишига, асосан хўжаликларнинг ўзида етиштирилган дон ҳисобига ем учун ажратиладиган донга бўлган хўжалик ички эҳтиёжлари қондирилишига эришилсин. Ҳар бир хўжалик, район, область, ўлка ва республика ҳозирги беш йиллик учун белгилаб қўйилган дон тайёрлаш барқарор планларини бажаришлари давлат аҳамиятига молик ғоят муҳим вазифадир.

Деҳқончиликни интенсивлашни бутун чоралар билан жадаллаштириш, унинг ишлаб чиқилган илмий асосланган системаларини изчиллик билан ўзлаштириш, ерларнинг унумдорлигини ошириш, тупроқ эрозиясига қарши тадбирлар комплексини бажариш, дам берилган ерлар самарадорлигини ошириш, тармоқда вужудга келтирилган моддий-техникавий базадан фойдаланишни анча яхшилаш йўли билан дон хўжалигини янада ривожлантиришни таъминлаш белгилаб қўйилди. Агросаноат комплекси барча бўлинмаларида дон етиштиришнинг ҳамма босқичларида ва айниқса донни ўриб-йиғиб олиш, сақлаш қайта ишлаш ва ташиш вақтида нобудгарчиликнинг олдини олиш юзасидан самарали чоралар амалга оширилсин. Мамлакат дон ресурсларидан оқилона фойдаланишга эътибор кучайтирилсин.

Илғор колхозлар ва совхозларнинг амалий ишлари кўрсатиб турганидек, хўжалик ҳисобини тўла ўзлаштириш ва коллектив пудратни жорий этиш, звеноларда ва бошқа ишлаб чиқариш бўлинмаларида ишлаётган барча кишиларнинг интенсив технология асосида дон етиштириб, юксак натижаларга эришишдан моддий манфаатдорлигини кучайтириш негизидагина дон хўжалигига сарфланаётган маблағларнинг юксак самарали таъминланишини КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети алоҳида таъкидладилар. Партия, совет ва агросаноат органлари интенсив технологияларни ўзлаштиришда юксак натижаларга эришган энг яхши меҳнат коллективлари тажрибаларини чуқур ўрганиб, улар базасида механизаторлар, звено ва бригада бошлиқлари ҳамда мутахассисларни, хўжалик раҳбарларини ўқитишни ташкил этсинлар, шу йўл билан уларнинг ҳар бири дон етиштиришни интенсивлашнинг барча технология усулларини чуқур ўрганиб олишларига эришсинлар.

СССР Давлат агросаноат комитети ва унинг жойлардаги органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари давлат дон ресурсларини кўпайтириш ҳамда зарур резервларни вужудга келтириш учун белгилаб қўйилган моддий омиллар ва рағбатлантириш чоралари негизида хўжаликларнинг планга қўшимча дон сотиш имкониятларидан айниқса деҳқончилик учун қулай келган йилларда кенг фойдаланисинлар.

1987 йилдан бошлаб Давлат планида озиқ-овқат ва ем учун донни харид қилиш ҳажмини алоҳида-алоҳида белгилаш мақсадга мувофиқ, деб топилди. СССР Госплани, СССР Давлат агросаноат комитети, СССР Молия министрлиги, СССР Ғалла маҳсулотлари министрлиги, СССР Давлат нархлар комитети, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари дон харид қилишнинг экин турлари бўйича, таркиб топган районлар бўйича жойлаштирилишини қайта кўриб чиқиб, регионларнинг биологик-иқлим имкониятларидан янада оқилона фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда ем учун ажратиладиган доннинг давлат ресурсларини шакллантириш структурасига иқтисодий жиҳатдан асосланган ўзгартишлар киритсинлар. Давлат учун зарур бўлган экинлар донини етиштиришни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш учун зоналар харид нархлари янада чуқурроқ табақалаштирилсин.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети колхоз ва совхозлар томонидан ишлаб чиқилган ҳамда СССР Давлат агросаноат комитети ва В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси тақдим этган мазкур беш йилликда интенсив технология асосида дон етиштириладиган майдонларни кенгайтириш тадбирларини маъқулладилар. Бу тадбирларга мувофиқ интенсив технология асосида дон етиштириладиган майдонлар 50,4 миллион гектар, шу жумладан кузги экинлар майдони 20,6 миллион гектар, баҳори буғдой майдони 17,1 миллион гектар, маккажўхори майдони 4,5 миллион гектар, дуккакли дон майдони 2,7 миллион гектар, шолиполар 0,6 миллион гектар, тариқ майдони 1,6 миллион гектар, гречиха майдони 0,8 миллион гектар бошқа баҳори экинлар майдони 2,6 миллион гектар кенгайтирилади.

(Давоми иккинчи бетда).

СУДАН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ МИНИСТРИ С. АЛ-МАХДИНИНГ СССРГА ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

Совет ҳукуматининг таклифига биноан Судан республикаси Бош министри Содиқ Ал-Махди 1986 йил август ойининг биринчи ярмида расмий визит билан Совет Иттифоқига келади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми редакцияси нашриёт жараёнини қайта қуриш соҳасидаги актив фаолияти; ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияни кенг жорий этганлиги учун «Внешторгиздат» Бутуниттифоқ бирлашмаси Ўрта Осиё бўлимининг директори ўртоқ Дилбар Искандаровна Икромовани Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

Нобудгарчиликсиз ~ истеъмолчига!

ШАҲАРДА КОЛХОЗ ДЎКОНИ

Ўзбекистон пойтахтида шаҳар атрофидаги колхозларнинг йигирмата дастлабки мева-сабзавот дўконлари очилди. Фирма савдосининг мақсади: маҳсулотни сотишда воситачиларни четлаб ўтиш, унинг даладан то сотувчига қадар етиб борадиган йўлини қисқартиришдан иборат. Ҳозирча йигирмата савдо шохобчаларининг ҳаммаси ҳам ўзлари сотадиган маҳсулотни аҳоли сабрсизлик билан кутишларига ва жонжон деб харид қилишларига эриша олганларича йўқ. Тошкент районидаги Карл Маркс номли колхозга қарашли дўкон олди эса эрталабдан кечгача одамлар билан гавжум. Шаҳарликларни, айниқса, маҳсулотнинг юқори сифатлилиги, турларининг кўплиги, савдонинг аниқ маромда ташкил этилганлиги жалб қилмоқда. Бу ҳақда қуйида эълон қилинаётган материалда ҳикоя қилинади.

БИЗ бу дўконни очгандан сўнг бир ҳафта ўтгач, кечга яқин у ерга кирдим. Зерикиб ўтирган сотувчи ва икки-уч харидорни кўрдим. Пештахталарга кўз ташладим: уларни сарғайиб кетган кўкат, барглари олинмаган сўлиқ сабзи «безаб» турарди. Шунда биздан ва қўшнилардан омад юз ўгирганлигининг сабаби аён бўлди. Одамлар дўконларимизга келишганида шаҳар савдо тармоқларида нима бўлса, шуни кўришади ва хафа бўлишиб, бозорга боришади. Бозорда эса қимматроқ бўлса-да, ҳали томорқанинг ҳиди келиб турган кўкатни харид қилиш мумкин.

Шунда сотувчи: пештахта янгиланмаганлиги, омборларда эса янги маҳсулот истаганча бўлгинни баҳона қиладилар. Кишиларнинг психологияси шундаки, унга бор маҳсулотни қандай бўлса шундайлигича кўрсат. Боз устига, гап ўта саралаб оладиган тошкентлик харидорлар ҳақида кетмоқда.

Биз маслаҳатлашиб, аввало правление аъзоларидан бирортаси кунига дўконга бориб туриши, маҳсулот сифати ва харидорларга хизмат кўрсатиш даражасини текшириб туриши, аҳоли талабини ўрганиши лозимлигига қарор қилдик. Ҳозир биз ҳар куни давлат нархида 7—8 тонна 15 хил мева ва сабзавот сотяпмиз. Харидорлар мамнун, улар дўконимизга шаҳарнинг бошқа районларидан ҳам келишмоқда. Энди уй бекаси бозорда бор нарсани колхоз дўконларидан бемалол харид қилиши мумкин. Нархи ҳам икки баробар арзон. Калинин ва Оржоникидзе районларининг кўплаб колхозлари ўз дўконларини яхши ташкил этишган. Бу эса бозор иқлимига таъсир этмай қолмади. У ердагилар харидорга анча ён босадиган бўлиб қолишди.

Биз илгарилари ҳам ўз маҳсулотимизни анча вақтдан буён матлубот кооперацияси тайёрловчилари ролини ўйнаётган воситачиларсиз сотишга ҳаракат қилардик. Тошкентдаги йирик бозорлардан бири — Олой бозорида хўжалик ҳисобидаги магазин очилди. Бу ерда биз нинг колхоз билан бирга «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги», «Маданият» колхозлари ҳам ўзининг мева ва сабзавотларини сотади. Бу иш ҳам яхши. Аммо дўконнинг хўжайини кўп бўлса маҳсулот қиёфасини йўқотади. Алоҳида хўжаликларнинг масъулияти сусайиб кетади. Фирма магазинида эса ҳаммаси: маҳсулот ҳам, унинг хўжайини яққол кўриниб туради.

Муҳим савол: бундай савдонинг мавсумийлигидан қутулиш мумкинми? Бизда ва айрим қўшниларимизда бу масалани қисман теплица хўжаликлари ҳал этмоқда. Лекин барибир ҳаёт: ҳар бир шаҳар атрофидаги хўжалик йил бўйи янги мева ва сабзаватларни етказиб бериши, ўзига хос «яшил конвейер»ларни таъминлаб туриши учун ўзининг холодильник қувватларига эга бўлиши лозимлигини кўрсатди. Шу билан бирга маҳсулотнинг чиқитга чиқишига йўл қўймаслик учун саралаш ва қайта ишлаш пунктлари ҳам ташкил этилиши керак.

Шу нарса ажабланарлики, аҳолиси икки миллион бўлган Тошкентни мева ва сабзавот билан таъминлайдиган кўплаб колхоз ҳамда совхозлар бу масалада ҳали етарли тайёргарликка эга эмаслар. Айниқса, область агросаноат комитети ҳамда республика Давлат агросаноат комитети яқин келажакда хўжаликларнинг ўзида маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш базасини ривожлантиришга эътибор беришлари лозим. Бизнинг колхозимизда бу борада дастлабки қадамлар қўйилди. Йил охиригача сиғими 500 тонна бўлган холодилник ишга туширилади, саралаш пункти ишлаб турибди. Саралашдан кейин савдо тармоқларига ўтмаган помидорларни қайта ишлашни ҳам ташкил этишни ўйлаяпмиз. Аммо ҳамма хўжаликлар биринчи навбатда маҳсулот етиштиришни йил сайин кўпайтиришга даъват этилганлар. Тошкент ўсмоқда, унинг «иштаҳаси» ҳам ўсяпти. Бундан ташқари биз Иттифоқ фондига ҳам кўплаб сабзавот етказиб беряпмиз. Атиги 562 гектар суғориладиган ерга эга бўлган ҳолда ҳозирги мавжуд планларни бажариш осон эмас. Бунинг йўли битта: бир йилда икки марта ва ундан ҳам кўпроқ ҳосил олиш учун ҳар бир майдондан интенсив фойдаланиш лозим.

Фақат шу ҳисобдан 9 минг тоннадан зиёд сабзавот, 1800 тоннага яқин картошка, юзлаб тонна мева ва узум олишимиз мумкин. Кейинги йиллар тажрибаси эртаги экинларни плёнка остида етиштириш самарали эканлигини кўрсатмоқда. Айни пайтда биз вақтдан ҳам анча ютамиз. Масалан, биз бу йил июль ойининг бошигача 3 минг тонна карам сотдик. Бу — колхоз кассасига 1 миллион сўмдан зиёд пул тушди, демакдир. Ўнинчи августгача ҳосилдан бўшаган майдонларга пиёз ва чеснок экамиз.

Колхоз сабзавотчилиги — фойдали тармоқ. Томорқа маҳсулоти сотишни яхшилаш билан бирга унинг рентабеллигини ҳам шубҳасиз юқори кўтарамиз.

Р. АКБАРОВ,
Карл Маркс номли колхоз раиси.
Тошкент области.

(«Сельская жизнь» газетасининг шу йил 5 август сонидан).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Ем учун сарфланадиган дон ресурсларини кўпайтиришда маккажўхори етиштиришнинг алоҳида аҳамиятини ҳисобга олиб, иттифоқдош республикалар компартиялари Марказий Комитетлари ва Министрлар Советларининг Ўрта Осиё, Украина ва Қозоғистон жанубида, Шимолий Кавказ ва Волга бўйида беш йилликда кўзда тутилган миқдорда кенгайтириладиган суғорма ерлардан фойдаланиб, маккажўхори етиштиришнинг гарантияли зоналарини барпо этиш ва шу тариқа ўн иккинчи беш йилликнинг охирига бориб, ялпи маккажўхори дони ҳосилини 22 миллион тоннага етказиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинди.

СССР Давлат агросаноат комитетига, ВАСХНИЛга, иттифоқдош ва автоном республикалар Министрлар Советларига, ўлка, область ижроия комитетларига илмий тадқиқот институтлари, уларнинг филиаллари, тажриба станциялари ва илғор хўжаликлар базасида область, ўлка, республиканинг ҳар бир табиий иқлим зонаси учун дон экинлари етиштиришнинг интенсив технологияларини колхоз ва совхозларда амалда жорий этилишини таъминлаш юзасидан илмий-ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш системалари барпо этиш топширилди. Минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ва бошқа моддий-техника ресурслари уларнинг ихтиёрига жамлаб берилсин. Дастлабки уруғчилик ва истиқболли навлар уруғини кўпайтириш, технологияларни такомиллаштириш, деҳқончиликни интенсивлаш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда бу лойиҳаларни шартнома асосида колхоз ва совхозларда амалга ошириш уларнинг зиммасига юклансин.

СССР Давлат агросаноат комитети бир ой ичида илмий ишлаб чиқариш ҳамда ишлаб чиқариш системалари тўғрисидаги намунавий қоидани ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, бунда ана шу илмий ишлаб чиқариш ҳамда ишлаб чиқариш системаларида ишлашга илмий ходимларни ва юксак малакали мутахассисларни жалб этишни, пировард натижалардан уларнинг манфаатдорлигини ошириш чораларини кўзда тутиши лозим.

СССР Госплани, СССР Давлат агросаноат комитети, СССР Госснаби, СССР Фан ва техника давлат комитети, СССР Химия саноати министрлиги, СССР Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министрлиги, СССР Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги, СССР Чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш машинасозлиги министрлиги, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, СССР Ғалла маҳсулотлари министрлиги, СССРнинг бошқа манфаатдор министрликлари ва идоралари, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари 1987—1990 йиллар планлари лойиҳаларида дон етиштиришни интенсивлаш топшириқлари бажарилишини таъминлаш тадбирларини кўзда тутсинлар. Бунинг учун зарур капитал маблағ, меҳнат, молия ва материал-техника ресурслари ажратилсин.

СССР Давлат агросаноат комитети, иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари 1987—1990 йилларда дон экинларига солиш учун қишлоқ хўжалигига минерал ўғитларни ўз вақтида етказиб берсинлар. Интенсив технология асосида етиштирилаётган кузги ғалла ҳамда баҳорги экинлар экиладиган ерларни шудгорлашдан олдин куз вақтида солиш учун минерал ўғитларни талаб қилинган миқдорда умумий фондлар ҳисобидан ҳар йили етказиб бериш кўзда тутилсин.

СССР Давлат агросаноат комитети, СССР Госплани, СССР Химия саноати министрлиги, СССР Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министрлиги, СССР Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати министрлиги белгиланган миқдорда пестицидлар ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигига етказиб беришни таъминлашга мажбурдирлар. СССР Химия саноати министрлиги (ўртоқ Листов) 1987—1990 йилларда зарур миқдорда ўсимликларнинг ўсиш регуляторларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва СССР Давлат агросаноат комитетига етказиб бериш юзасидан зарур чораларни кўрсин. Стерлитамакдаги (Бошқирдистон АССР) «Каустик» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективининг ўсимликлар ўсиш регуляторларини (тур препарати) ишлаб чиқаришни ташкил этиш борасидаги ташаббуси маъқулланди.

РСФСР, Украина ССР, Қозоғистон ССР, Ўзбекистон ССР, Бошқирдистон АССР, Министрлар Советлари, Куйбишев область ижроия комитети, СССР Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министрлиги ва СССР Химия саноати министрлиги, СССР Фанлар академияси, тегишли қурилиш министрликлари ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситаларини ишлаб чиқарадиган саноатни ривожлантириш, ана шу воситаларни, улар учун хом ашёни ишлаб чиқарадиган бир қанча корхоналар ва тажриба базаларини жойлаштириш ҳамда уларни қуриш учун жой ажратиб бериш топшириқларини бажармаганликлари таъкидлаб ўтилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Украина ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Бошқирдистон АССР, Чувашия АССР Министрлар Советлари, Волгоград область ижроия комитети, Куйбишев область ижроия комитети зиммасига СССР Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министрлиги, СССР Химия саноати министрлиги ва СССР Нефтни қайта ишлаш ва нефть саноати министрлиги билан биргаликда янги пестицидлар ва улар учун хом ашё ишлаб чиқарадиган объектларни жойлаштиришнинг ҳамма масалаларини қараб чиқиб, бир ой ичида ҳал қилиш вазифасини юкладилар.

Министрлар А. Г. Петришчев, В. В. Листов, Н. В. Лемаев, Б. В. Бакин, Е. П. Славский, А. Н. Шчепетильников, В. И. Решитилов, А. И. Майорец, С. В. Башилов ўртоқларга ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситалари ва бу воситалар учун хом ашё ишлаб чиқарадиган объектларни қуриш ҳамда уларни белгиланган муддатларда ишга туширишни таъминлаш таклиф қилинди.

Украина Компартияси Марказий Комитетига, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, КПСС Бошқирдистон область комитетига, КПСС Волгоград область комитетига, КПСС Ленинград область комитетига, КПСС Куйбишев область комитетига, КПСС Чувашия область комитетига ана шу топшириқларнинг бажарилиши устидан мунтазам контрол қилиш топширилди.

СССР Госплани, СССР Минерал ўғит ишлаб чиқариш министрлиги, СССР Давлат агросаноат комитети бир ой муддат ичида қўшимча равишда йилига 2 миллион тонна фосфорит уни ишлаб чиқариш учун мўлжалланган қувватларни вужудга келтиришга оид таклифларни тақдим этсинлар.

СССР Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигига, СССР Ғалла маҳсулотлари министрлигига, СССР Химия ва нефть машинасозлиги министрлигига 1987—1990 йилларда қишлоқ хўжалик машиналари ва ускуналари ишлаб чиқариш, СССР Давлат агросаноат комитетига эса илгари қабул қилинган қарорда кўзда тутилган тармоқлараро кооперацияни сақлаб қолган ҳолда интенсив технологиялар асосида дон экинлари етиштираётган хўжаликларга аниқ мақсадни кўзлаб қишлоқ хўжалик машиналари ва ускуналари етказиб беришни йўлга қўйиш вазифаси топширилди.

СССР Госплани ва СССР Госснаби ана шу мақсадлар учун зарур бўлган материаллар ва комплектловчи буюмлар ажратиб беришлари керак.

СССР Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги коллегиясининг диққат-эътибори интенсив технологиялар учун механизмлар ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришда намоён бўлган интизомсизликка қаратилди. Министр ўртоқ А. А. Ежевскийга қишлоқ хўжалигини зарур даражада сифатли техника ва энг аввало тупроққа экин экишдан олдин ишлов берадиган мукаммал пуркагичлар, қўшимча озиқлантирувчи ускуналар, сеялкалар, комбинацияланган агрегатлар билан сўзсиз ва ўз вақтида таъминлаш юзасидан узил-кесил тадбирлар қабул қилиш таклиф этилди.

Ўғит ва пестицидлардан юксак самарали фойдаланиш учун ана шу техниканинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини назарда тутиб, СССР Давлат стандартлар комитетига 1987 йилдан бошлаб шундай машиналар тайёрлаш сифатига идорадан ташқари баҳо беришни йўлга қўйиш топширилди.

Қишлоқ хўжалигига сифатли оҳак материаллар етказиб бериш юзасидан СССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги, СССР Минерал ўғит ишлаб чиқариш министрлиги, СССР Қора металлургия министрлигининг иши қониқарсиз, деб топилди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети мазкур министрликлардан аҳволни тузатишга оид узил-кесил тадбирлар қабул этишни талаб қилдилар. РСФСРда маҳаллий карьерларда оҳак ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун мавжуд имкониятлардан суст фойдаланилаётганлиги таъкидланди.

СССР Давлат агросаноат комитетига, иттифоқдош республикалар Министрлар Советларига оҳак ва таркибида гипс бўлган материаллардан самарали фойдаланишни ташкил этиш вазифаси топширилди. Тупроқнинг шўрини кетказмай туриб интенсив технологияларни қўлланиш ва физиологик жиҳатдан кислотали минерал ўғитни кўп миқдорда ерга солишга йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисидаги талабга қатъий амал қилинсин. Иттифоқдош республикалар бўйича оҳакли материаллар етказиб бериш аччиқ тупроқни оҳаклаш ва шўрхок ерларга гипс солиш топшириқлари белгиланди. СССР Госплани йиллик планлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда белгиланган топшириқларнинг сўзсиз бажарилишини таъминловчи зарур материал-техника ресурсларини ажратишни кўзда тутсин.

СССР Давлат агросаноат комитети, совет ва хўжалик органлари донни йиғиштириб олиш ва сақлашда нобудгарчиликни камайтириш ҳисобига озиқ-овқат ва ем-хашак ресурсларини кўпайтириш юзасидан самарали тадбирлар қабул қилсинлар. СССР Давлат агросаноат комитети СССР Приборсозлик, автоматлаш воситалари ва бошқарув системалари министрлиги, СССР Электротехника саноати министрлиги, СССР Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлик министрлиги, Қозоғистон СССР Министрлар Совети иштирокида дон ва уруғлик сақлаш базасини мустаҳкамлаш мақсадида 1988 йилдан бошлаб белгиланган тартибда металл ва темир-бетон цистерналар ишлаб чиқаришни ташкил этсинлар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети СССР Ғалла маҳсулотлари министрлиги коллегиясига ва шахсан министр ўртоқ Г. С. Золотухинга ғалла ва ем учун мўлжалланган дон ресурсларидан оқилона фойдаланишга оид узил-кесил тадбирлар қабул қилиш, дон сақлаш ва уни қайта ишлашдаги камчиликларни бартараф этиш, тармоқ корхоналарини техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлашни ва реконструкциялашни жадаллаштириш, янада мукаммал технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишни таъминлаш, ун, ёрма, нон-булка ва макарон маҳсулотлари сифатини яхшилаш вазифаларини юклади. СССР Давлат стандартлар комитети, СССР Ғалла маҳсулотлари министрлиги, СССР Молия министрлиги ва СССР Давлат нархлар комитети икки ой муддат ичида ана шу маҳсулотларга янги ГОСТ нархларини ишлаб чиқсинлар ва жорий этсинлар, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришдан меҳнат коллективларининг моддий манфаатдорлигини ошириш тадбирларини кўзда тутсинлар.

Қарорда СССР Ғалла маҳсулотлари министрлиги, СССР Ўзоқ Шарқ ва Забайкалье районларида Қурилиш министрлиги, СССР Саноат қурилиши министрлиги, СССР Транспорт қурилиши министрлиги, СССР Давлат агросаноат комитети ва «Главмоспромстрой» ғалла маҳсулотлари корхоналари қурилишида йўл қўйилган қолоқликни тугатишлари ҳамда тегирмон заводлари, элеваторлар, дон сақланадиган ва уни қайта ишлайдиган бошқа объектларни 1986 йилда ва ундан кейинги йилларда ўн иккинчи беш йиллик планига қатъий мувофиқ равишда ишга туширишни таъминлашлари керак. Иттифоқдош республикалар компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка ва область партия комитетларига ана шу корхоналар қурилиши ва уларни реконструкциялаш қандай бораётганлигини контрол қилишни кучайтириш вазифаси топширилди.

СССР Давлат агросаноат комитети ва СССР Ғалла маҳсулотлари министрлиги омихта ем саноати ишини тубдан яхшилаб, ем сифати учун, уларнинг балансланган тарзда бўлиши учун корхоналар раҳбарларининг масъулиятини оширсинлар, стандартлар талабларидан чекиниш ҳолларига йўл қўймасинлар.

1986 йил ҳосилидан бошлаб колхозлар, совхозлар ва бошқа хўжаликлар базис кондицияларида кўзда тутилганига қараганда бир мунча юқори даражада нам ва ифлос бўлган дон ва мойли экинлар уруғини сотиш чоғида натура скидкаларидан ташқари ғалла қабул қилиш корхоналарининг амалдаги харажатлари, шунингдек рентабеллик нормативини назарда тутиб, белгиланган нархларга кўра, дон ва мойли экинлар уруғини қуритиш ва тозалаш учун (базис кондицияларидан юқори бўлган ҳар бир процент намлик ва ифлосланиш учун) ана шу ишлар таннархининг 8 процента миқдорида ҳақ олинади.

Ана шу нархлар автоном республикаларнинг Давлат агросаноат комитетлари, ўлка ва областларнинг агросаноат бирлашмалари томонидан ўлкалар, областлар ва автоном республикалар ғалла маҳсулотлари бошқармаларининг тавсиясига мувофиқ, областларга бўлинмаган иттифоқдош республикаларда эса уларнинг Давлат агросаноат комитетлари томонидан тегишли иттифоқдош республикалар ғалла маҳсулотлари министрликларининг тавсиясига мувофиқ тасдиқланади.

Ғалла қабул қилиш корхоналарининг қуритиш ва тозалаш техникасидан янада тўлиқроқ фойдаланиш мақсадида СССР Давлат агросаноат комитетининг шу йил ҳосилидан бошлаб Ғарбий ва Шарқий Сибирь ҳамда Шимолий Қозоғистон колхоз ва совхозларидан донни бевосита комбайнлардан қабул қилиш тўғрисидаги таклифи инобатга олинди.

Юқори сифатли буғдой дони давлат ресурсларини кўпайтириш учун СССР Ғалла маҳсулотлари министрлигига СССР Давлат агросаноат комитети билан келишиб ғалла тайёрлаш чоғида иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг таклифларини ҳисобга олган ҳолда, бақувват буғдой ва сифати қимматли буғдой навлари, шунингдек қаттиқ (классли) буғдой донини омихта ем ва ем учун мўлжалланган донга алмаштириб қабул қилиш ҳуқуқи берилди:

давлатга бошқа донли экинлар сотиш планини бажарганликларидан қатъи назар, буғдой харид қилишнинг белгиланган планларини бажарган колхозлар, совхозлар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотларидан;

табиий офатлар натижасида буғдой ва бошқа донли экинлар сотиш планини бажариш имкониятига эга бўлмаган колхозлар, совхозлар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотларидан қабул қилинади.

Қабул қилинадиган ҳар центнер буғдой дони ўрнига 1,3 центнер омихта ем ёки ем учун мўлжалланган дон бериш белгиланди.

СССР Давлат агросаноат комитети, В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси селекция ва уруғчиликни яхшилаш, қурғоқчиликка, зараркунандаларга ва касалликларга чидамли, интенсив технологиялар асосида етиштиришга яроқли дон экинлари ҳосилдор навларини яратиш ва жорий этишни жадаллаштириш юзасидан шошилинч тадбирларни қабул қилсинлар. Донли экинлар етиштириш, дон сақлаш ва уни қайта ишлашнинг интенсив технологияларини янада такомиллаштиришга оид комплекс тадқиқотлар кучайтирилсин. Селекция ва технология марказлари ишининг роли ва самарадорлиги оширилсин, дон етиштиришни интенсивлашнинг пировард натижалари учун илмий тадқиқот муассасаларининг масъулияти кучайтирилсин.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари ва Министрлар Советларига, СССР Давлат агросаноат комитетига, СССР Ҳунартехника таълими давлат комитетига, В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясига, ўлка, область, район партия комитетларига, ўлка ва область ижроия комитетларига, район ижроия комитетларига ўн иккинчи беш йилликда оммавий касбдаги кадрларни, колхозлар, совхозлар, агросаноат комитетлари ва бирлашмалари мутахассислари ва раҳбарларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш юзасидан тадбирлар системасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси топширилди.

Олий ўқув юртлари, техникумлар, ҳунар-техника билим юртлари ва тегишли кадрларни қайта тайёрлаш курсларининг ўқув программаларига зарур ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин. Хўжаликларнинг звено бошлиқлари, раҳбарлари ва мутахассислари, район агросаноат бирлашмалари ва агросаноат комитетларининг ходимлари мажбурий аттестациядан ўтказилсин.

Партия, совет ва хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари дон етиштирувчи хўжаликни интенсивлашга сарфланаётган ресурслардан самарали фойдаланиш, дон етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун агросаноат комитетларида хўжалик юритишнинг янги иқтисодий механизми шартларидан энг кўп даражада фойдаланиб, мамлакат деҳқонлари ўртасида социалистик мусобақани кенг авж олдиришлари зарур.

Марказий Комитет ва СССР Министрлар Совети колхозчилар ва совхозларнинг ишчилари, партия, совет ва хўжалик органлари, раҳбарлар ва мутахассислар КПСС XXVII съезди қарорларини бажара бориб, дон етиштирувчи хўжаликнинг барқарорлигига, дон ялпи ҳосилини оширишга ва унинг сифатини яхшилашга, ўн иккинчи беш йилликда қабул қилинган планлар ва социалистик мажбуриятлар муваффақиятли бажарилишига эришадилар, деб қатъий ишонч билдирдилар.

ҒЎЗА ПАРВАРИШИДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ДАВР

Июль ойининг учинчи ўн кунлигида ва умуман бу йилги вегетация даврида об-ҳаво беқарор келиб, ҳарорат кескин ўзгариб турди. Аввалига ҳаво ҳарорати нормадагидан 3—6 даража паст бўлиб, ўн кунликнинг ўртасида — кундуз кунлари ҳарорат 38-40 даражагача, республика жанубида эса 41-43 даражага кўтарилди. Ҳарорат режимининг бундай ўзгарувчанлиги кўсакларнинг нормал шаклланишига тўсқинлик қилди ва ўсимликнинг ҳосил тўплашида ўтган йилгига қараганда қолоқликка йўл қўйилишига сабаб бўлди. Маълумотларга кўра, август ойининг шу биринчи ўн кунлиги охирларида ҳароратнинг 36-41 даражага кўтарилиши кутилмоқда.

Республикамиз пахтакорлари август — ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой эканлигини яхши билишади. Далаларда юқори ҳосил етиштириш учун қизғин кураш кетмоқда.

Ҳозиргача ғўза қатор ораларида 6 марта культивация, 3,1 марта кетмон чопиғи ўтказилди, 3,1 марта озиқлантирилди ва 2,2 марта суғорилди.

Бироқ ғўза парваришида қўлланилаётган интенсив тадбирларга қарамай, бир қанча майдонларда ўсимлик ривожланишдан ҳамон орқада қолмоқда. Айниқса бу Қўқандаги, Жалолқудуқ, Қўрғонтепа, Охунбобоев, Фарғона, Қораўзак, Кегайли, Хатирчи, Навбаҳор, Баҳористон, Муборак ва бошқа районларда кўзга ташланаётир.

Ҳозирги куннинг асосий вазифаси суғоришни оқилона ташкил этиш ва сувдан тежаб-тергаб фойдаланишдир. Лекин ҳамма ерда ҳам суғориш қоидаларига риоя қилинмаяпти. Пастдарғом районидаги «Ўзбекистон» колхозида сувдан ёмон фойдаланилмоқда. Бу ерда сувни сарфлаш нормаси устидан назорат ўрнатилмаган. Шундай ҳолни Пахтачи районидаги Свердлов номли, Калинин номли колхозлар, Қўрғонтепа районидаги «Савай» совхози, Пахтаобод районидаги «Москва» колхозида ҳам учратиш мумкин. Суғориш устидан назоратнинг бўшлиги туфайли карта четлари қўлатиб юборилмоқда. Бундай манзара Ворошилов районидаги «Социализм» совхозининг 1-ва 2-бўлимлари далаларида учрайди. Сувчиларнинг унумли ишлаши учун етарли шароит яратилмаганлиги, уларнинг иши устидан назоратнинг йўқлиги сабабли Навбаҳор районидаги «Гигант» совхози ва Ленин номли колхозда далалар қўлатиб юборилган. Шу райондаги «Москва», «Ленинград» колхозларининг қатор бригадаларида суғориш агротехникаси бузилаётир, сув бегона ўтдан тозаланмаган пайкалларга оқизиляпти. Олтинсой районидаги «Ленинград», К. Маркс номли колхозларда сув зовурларга ташлаб қўйилаётир. Районда суғоришга мўлжалдагидан 159 та кам сувчи ажратилган. Шу сабабли юқорида номлари қайд этилган хўжаликларда сувдан фойдаланиш коэффициенти 0,70 процентни ташкил этмоқда.

Мўл ҳосил етиштиришда механизаторлар ва сувчиларнинг ҳамкорлиги катта аҳамиятга эга. Оз сув билан ғўзаларни қондириб суғориш ва тўпланган намни узоқроқ сақлаш лозим. Бунда культивацияни сифатли ўтказиш жуда муҳим. Механизаторлар суғоришдан кейин далаларнинг етилишини ўзлари кузатмоқлари, культиваторларнинг ишчи органларини тўғри ўрнатмоқлари ва бутламоқлари лозим. Токи, культивация чоғида ғўза илдизларига зарар етмасин ва тракторнинг бир ўтишидаёқ тупроқнинг майин бўлиши таъминлансин.

Бу йил далалардаги ўсимликнинг қалинлиги ўтган йиллардагидан кам. Шу туфайли шошилмасдан, эҳтиёт бўлиб ишлаш, бирорта ҳам ўсимликнинг нобуд бўлиши, (айниқса бурилиш жараёнларида) ҳосил элементларининг шикастланишига йўл қўймаслик лозим.

Шунга қарамай кўплаб хўжаликларда культивация ўтказишда камчиликларга йўл қўйилмоқда, аниқроғи, бу тадбир зарур бўлмаган пайтларда ҳам бажариляпти. Қизилтепа районидаги «Зарафшон» совхозида 9 марта, Жданов номли ва Ленин номли колхозларда 11 марта культивация ўтказилганлиги фикримизнинг далилидир. Хатирчи районидаги Ленин номли ва «Оқолтин» колхозларида культивация кечикиб, сифатсиз бажарилаётганлиги туфайли кесак кўчиш ҳоллари кузатиляпти.

Ғузор районидаги Куйбишев номли колхоз ва Ленин номли совхозда культиватор ишчи органлари нотўғри ўрнатилиши билан бирга бу муҳим тадбирнинг муддати ўтказиб юбориляпти. Нишон районидаги С. Альенде номли совхозда культиваторларнинг ишчи органлари тўла эмас. Беруний районидаги Киров номли, Ильич номли, «Победа» колхозлари, Горький номли, «Ленинизм» совхозлари ва бошқа хўжаликларда культиваторлар обтекатель ва тупларни кўтариб кетувчи органларсиз ишлатилмоқда.

Шундай камчиликлар Амударё районидаги Навоий номли, Ленин номли, «Коммунизм» колхозлари ва Бердах номли совхозда, Ёзёвон районидаги «Ёзёвон» совхозида, Тошлоқ районидаги К. Маркс номли колхозда, Бағдод районидаги «Ғалаба» совхозларида ҳам мавжуд.

Чеканка муҳим агротехник тадбир бўлиб, ҳосил ниш оналари кўпроқ сақланиб қолишини таъминлайди. Ўсимлик пояси ва ён шохларининг ўсув нуқталарини чилпиб ташлаш озуқа элементларининг ҳосил ниш оналарига тўла етиб боришини таъминлайди, ўсимлик ортиқча ўсиб кетишига йўл қўймайди. Натижада кўсаклар тез етилади.

Бу йил ғўза нотекис ривожланмоқда. Шунинг учун бу йил мазкур тадбирни механизация ёрдамида бажаришга алоҳида эътибор бериш даркор.

Республикамиз колхоз ва совхозларида 12 мингга яқин чеканка қилувчи мослама бор. Аммо ҳозир уларнинг 5 мингтаси ишлаяпти, холос. Сурхондарё областида чеканка тугалланяпти. Бироқ область пахтакорлари бу ишнинг 26 процентини механизмлар ёрдамида бажардилар. Тошкент областида чеканка қилинган майдонларнинг учдан бир қисмида механизмлар ишлатилди.

Андижон, Фарғона, Қашқадарё ва Самарқанд областларида эса чеканкани механизациялашга ҳануз кенг йўл очилмаётир.

Андижон областида мавжуд 1455 та чеканка қилувчи мосламадан 382 таси, Фарғона областида 555 тадан 430 таси, Қашқадарё областида 2200 тадан 1800 таси, Самарқанд областида 870 тадан атиги 50 таси ишлатилмоқда.

Қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг пахта ҳосилига қандай зарар етказиши мумкинлиги барчага маълум. Ҳозир айниқса, ўргимчаккана ва ғўза тунлами катта хавф туғдирмоқда. Бунинг учун пахта далаларини мунтазам текшириб бориш лозим.

Шу билан бирга Пахтачи, Пайариқ, Каттақўрғон районлари, Қўрғонтепа, Пахтаобод, Ёзёвон, Боғдод, Беруний, Тўрткўл, Элликқалъа, Чимбой, Ворошилов районларидаги айрим хўжаликлардаги текширувчиларнинг огоҳлантирувчиларнинг назорати самара бермаяпти. Бу ерларда деярли ҳамма жойда ўргимчаккана кўпайиб, ғўза тунлами ҳосил элементларини зарарлаётгани аниқланди.

Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш бўйича асосий вазифа — биринчи навбатда далаларни текширишни ташкил этиш, зарарланган жойларни аниқлаш ва уларга қарши профилактика тадбирларини амалга оширишдир. Шундай қилинганда, зараркунандаларнинг оммавий кўпайиши олди олинади ва ҳосил сақлаб қолинади. Текширувчилар ишини кучайтириш, карталарнинг қишлоқ хўжалик зараркунандалари билан зарарланиши ҳақидаги кундалик маълумотларга эга бўлиш муҳимдир. Шундагина зараркунандаларга қарши оператив курашиш, уларнинг тарқалишига йўл қўймасликка имкон яратилади.

ДАЛА ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

Халқаро ҳаёт: воқеалар, фактлар, шарҳлар

ГАЗЕТА САҲИФАЛАНАЁТГАНДА...

● НЬЮ-ЙОРК

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ижтимоий ахборот департаменти жаҳон ҳамжамияти қарорготида ёш тадқиқотчиларнинг Тинч океанда тинчлик ва ҳамкорлик проблемаларига бағишланиб, Находкада ўтказилган халқаро семинари тўғрисида пресс-релиз (маълумотнома) тарқатди.

Унда, жумладан, анжуман қатнашчилари Совет Иттифоқининг қуролланиш пойгасини тўхтатишга қаратилган таклифларини қўллаб-қувватлаганликлари таъкидланади.

● ПРАГА

Бу ерда Чехословакия давлат чегарасини қўриқлаш тўғрисидаги қонун қабул қилинганлигининг 35 йиллиги муносабати билан виставка очилди.

Чегарачиларнинг мардлиги ва матонатининг бебаҳо далиллари бўлган минглаб экспонатлар ва ҳужжатлар уларнинг машаққатли меҳнати, ЧССР социалистик негизларини мустаҳкамлаш учун олиб борган қураши тўғрисида ҳикоя қилади. Кўпгина материаллар социалистик давлат ташкил топганидан кейинги йиллар мобайнида АҚШ ва НАТОга аъзо бўлган бошқа мамлакатларнинг махсус хизмат маҳкамалари Чехословакияга қарши олиб борган қўпорувчилик фаолиятининг қўламларини яққол кўрсатиб беради. Виставка қўлга қурол олиб, диверсантлар, империалистик разведка агентлари йўлини тўсган конкрет кишилар, чегарачиларнинг тақдири тўғрисида ҳикоя қилади.

● ПАРИЖ

Франциянинг Ўрта Ер денгизи бўйидаги Дром, Бушдю-Рон ва Ардеш департаментларидаги ўрмонларда чиққан ёнғин хатарли тус олди.

Ўтган кунлар давомида 1200 гектардан ортиқ ўрмон куйиб кул бўлди. Кучли шамол туфайли ёнғин яқин атрофдаги территорияга тез тарқалмоқда. Табиий офатга қарши кураш учун ўт ўчирувчиларнинг махсус бўлинмалари юборилди.

(ТАСС).

ТАРИХ САБОҒИ

Бундан қирқ бир йил муқаддам, 1945 йил 6 августда Японияннинг Хиросима шаҳри устида ядровий «қўзиқорин» ҳосил бўлди. Атом ёнғинининг алангасида мингдаб кишининг ёстиғи қуриди. Улар асосан кексалар, аёллар, болалар эди.

Орадан уч кун ўтгач, 9 августда атом бомбаси Нагасаки устига ташланди. Ушанда Америка Қўшма Штатларининг президенти Трумэн радио орқали сўзлаб бундай деган эди: «Жаҳон биринчи атом бомбаси ҳарбий база бўлган Хиросима устига ташланганлигини қайд қилади. Биз бу биринчи ҳужумда граждан аҳолининг қирилиб кетишининг иложи борича олдини олишга интилганлигимиз тимсоли сифатида бу иш қилинди».

Америка президенти ёлғон гапирган эди. Хиросима ҳарбий база эмас эди. Аммо жаҳон Вашингтон ўзининг ядро қуроли полигони учун ҳимоясиз шаҳарни танлаганлигини қайд этди. Жаҳон бу даҳшатли бомбанинг милитаристик Японияга қарши уруш тақдири аллақачон ҳал бўлганда ташланганлигини ҳам қайд қилди. Жаҳон атом қуролини АҚШ Ер юзида биринчи бўлиб ва якка-ю ёлғиз қўлланганлигини, бу билан у инсониятга қарши энг оғир жиноят қилганлигини ҳам қайд этди. Бу жиноятни ҳеч нима билан оқлаб бўлмайди. Тарих ва инсоният АҚШнинг бу жиноятини ҳеч қачон кечирмайди.

Ҳозир бутун дунё Хиросима ва Нагасаки фожиаси ҳеч қачон ва ҳеч қаерда такрорланмасин, бизнинг сайёрамизда ядро қуролининг янги қурбонлари бўлмасин, деган астойдил истак билан яшамоқда.

Совет Иттифоқи ядро қуроли пайдо бўлган пайтдан бошлаб, унинг тугатилишига эришиш учун қатъий ҳаракат қилиб келмоқда. 1946 йилдаёқ мамлакатимиз ядро қуролини таъқиқлаш тўғрисида халқаро конвенция тузишни таклиф этган эди. Бироқ АҚШ бу таклифнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилди. Совет Иттифоқи ҳозир ҳам ядро қуролини батамом таъқиқлаш ва уни тугатишга Ғарбнинг тайёр эмаслигига дуч келмоқда. Шунга қарамай СССР ядро қуролини тугатиш учун актив курашни қатъият билан давом эттиряпти. «Биз ядро қуролига эга бўлган бошқа давлатлар билан аҳдлашувга эришилган тақдирда исталган пайтда ядровий қуролсизланишга киришишга тайёрмиз», — деб таъкидлаган эди КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев. КПСС ва Совет ҳукуматининг сўзи билан иши бир. Чунончи, СССР космосда қуролланиш пойгасини бошламаслик, Ерда шундай пойгани тўхтатиш, ядро қуролларини тубдан камайтиришга ўтиб, уларни батамом тугатиш учун АҚШ билан музокаралар олиб бормоқда.

БУГУН—ХИРОСИМА КУНИ, ЯДРО ҚУРОЛИНИ ТАЪҚИҚЛАШ УЧУН КУРАШ ЖАҲОН КУНИ

Совет Иттифоқи ядро урушини бошламайди. Маълумки у ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик мажбуриятини олган. Ядро қуролига эга бўлган барча давлатлар ҳам худди шундай қилганлари тақдирда ядро қуроли ишлатишни таъқиқлаш тўғрисида халқаро шартномани тузиш учун қулай шарт-шароитлар яратилган бўлур эди.

Совет Иттифоқи ўз ихтиёри билан ҳар қандай ядро портлатишларини бир томонлама тўхтатиб туриш тўғрисида бир неча марта ташаббус билан чиқди. Бу тинчликсеварлик ташаббуслари ядро аслаҳаханоларини кўпайтиришдаги хатарли рақобатчиликни тўхтатишга қаратилган. Жаҳон афкор оммаси мамлакатимизнинг бундай ташаббусини қатъиян маъқуллаб, кенг қўлламда қўллаб-қувватлаяпти. Шунинг ўзи у барча халқларнинг орзу-умидларига мос келаётганлигини тасдиқлайди. Ҳозир ҳамма гап АҚШда ва ядро қуролига эга бўлган бошқа давлатларда қолди. Улар ҳам ядро портлатишларига чек қўйишлари керак. Бу нарса Хиросима ва Нагасаки атом бомбардимонлари қурбонларининг хотирасини эъзозлашгина бўлиб қолмай, шу билан бирга Ер юзида стратегик барқарорлик ҳамда тинчликни мустаҳкамлашга қўшилган реал ҳисса ҳам бўлур эди. Афсуски, улардан ҳозирча ижобий жавоб эшитилмаяпти.

Ҳа, ҳозир дунё икки йўл орасида турибди. Биринчи йўл умумий қуролсизланиш, ядро қуроли пойгасини чеклаш бўлса, иккинчиси қуролланиш пойгасини давом эттириш, инсониятни ядро ҳалокати жарига итаришдир. Бошқа йўл йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Совет Иттифоқи биринчи йўлни, инсоният истиқболини белгилаб берувчи йўлни таклиф қиляпти. Бу фикр ўртоқ М. С. Горбачевнинг Владивостокдаги нутқида яна бир карра уқтириб ўтилди. Нутқдаги хавфсизлик проблемалари бўйича Осиё — Тинч океани анжуманини ўтказиш ҳақидаги ғоя, уни Хиросима шаҳрида ўтказиш мумкинлиги тўғрисидаги таклиф зўр диққат-эътибор билан кутиб олинди. «Бугунги кунда, — деди Хиросима мэри Такэси Араки, — бундай анжуманнинг кун тартиби ёки делегация состави ҳақида гапиришга ҳали эрта. Аммо, бу ғоя шак-шубҳасиз ғоятда қизиқарлидир. Совет раҳбари Хиросимани иккинчи марта муҳим халқаро учрашувлар ўтказиш мумкин бўлган жой сифатида тилга оляпти. Биз буни шаҳримиз учун катта шараф деб, Хиросима уруш хавфига қарши, тинчлик учун кураш рамзига айланганлигини тан олиш, деб ҳисоблаймиз. Биз М. С. Горбачевнинг таклифини маъқуллаймиз ва ўз томонимиздан бу таклифнинг рўёбга чиқарилиши учун кучимиз етган барча ишларни қиламиз».

Хиросима империализмнинг инсониятга қарши ёвуз жиноятлари рамзидир. У чексиз азоб-уқубатлар, ғам-андуҳлар рамзидир. Хиросима сайёрамиз мусаффолиги учун курашаётган кишиларнинг байроғи рамз

КПСС Марказий Комитети 1986 йил июнь Пленуми қарорларини амалга оширамиз!

МУВАФФАҚИЯТЛАР— ЧЕГАРА ЭМАС...

(ОКТЯБРЬ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИДАН)

Жиззах область, Октябрь районида олти ой давомида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 62 процент, меҳнат унумдорлиги эса 4,3 процент ўсди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати сезиларли даражада яхшиланди. Айниқса пахта толаси ишлаб чиқаришда кескин ўзгариш бўлди. Масалан, дастлабки олти ойда 1448 тонна биринчи сортли тола олинди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан анча кўпдир.

Кўплаб ишлаб чиқариш қувватлари, маданий-маиший объектлар ва турар жой бинолари фойдаланишга топширилди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам салмоқли ютуқларга эришилди. Давлатга чорвачилик маҳсулотлари сотиш ярим йиллик план-топшириқлари ортиғи билан уддаланди. Жумладан, ўтган йилга нисбатан давлатга гўшт сотиш 9,4 процент, сут эса 36,7 процент кўпайди. Тухум етиштириш 3,4 марта ортди.

Район партия комитетининг пленумида асосий диққат-эътибор ана шу муваффақиятлар соясида яшириниб қолаётган айрим камчилик ва нуқсонларга қаратилди. Жадаллаштириш ва ишни қайта қуришга тўғаноқ бўлаётган ҳар қандай салбий кўринишлар танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида, ошкора, партиявий принципиаллик билан муҳокама қилинди. Эришилган муайян ютуқлардан қаноатланмаслик бир дақиқа бўлса ҳам хотиржамликка, бўшашувчанликка берилишга йўл қўймаслик зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Район партия комитети. нинг биринчи секретари М. Ҳасанов «КПСС Марказий Комитетининг 1986 йил июнь Пленуми қарорларини бажариш юзасидан район партия ташкилотларининг вазифалари» тўғрисида доклад қилди. Музокарада сўзга чиққан Ҳ. Олимжон номли совхоз партия комитети секретари А. Мамаев, Охунбобоев номли совхоз бригада бошлиғи Б. Элбоев, 11-механизациялашган кўчма колонна бригадири А. Эргашев, Тимирязев номли совхоз цех партия ташкилоти секретари О. Суяркулова ва С. Раҳимов номли совхоз бригада бошлиғи К. Абдуғаффоровлар ҳозирги кунда барча меҳнат коллективлари, партия ташкилотлари, ҳар бир коммунист олдида ишни тубдан қайта қуриш, барча соҳаларда меҳнатга янгича муносабатни қарор топтириш вазифаси турганлиги, шу соҳада ўз коллективларида қандай иш олиб борилаётганлигини танқидий ёндашиб сўзлаб бердилар. Бажарилиши лозим бўлган энг муҳим проблемалар ҳақида батафсил тўхталдилар.

Чўл шароитида маданий-маиший объектлар ва турар жой бинолари қурилишини жадал ривожлантирмай туриб, бу ердаги муаммоларни комплекс ҳал этиб бўлмайди. Одамларнинг самарали меҳнат қилишлари учун шарт-шароит яратиб бериш зарур. Лекин бу борада олиб борилаётган ишлар ҳозирги кун талаблари даражасида эмас.

«Уч қаҳрамон» ва Ф. Хўжаев номли совхозларда кооператив уй-жой қурилишига совуққонлик билан муносабатда бўлиняпти. Қурилаётган турар жойларнинг сифати паст, улар кўпинча инженерлик коммуникацияларисиз топширилмоқда. Турар жойларнинг сифати кўплаб эътирозларга сабаб бўлаётир. Район қурилиш ташкилотлари раҳбарлари А. Кураков, А. Гребеньков ва М. Одиловлар ўз фаолиятларида жиддий ўзгаришлар ясашга шошилмаяптилар. Улар ҳамон эскича ишлаш услубидан воз кечмай, аҳволни яхшилаш ўрнига турли сабабларни рўкач қилишдан нарига ўтмаяптилар.

Район партия ташкилотларида жадаллаштириш, қайта қуриш ишлари партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг шу йилги июнь Пленуми талаблари даражасида олиб бориляпти, деб бўлмайди. Бунга партия ташкилотлари идеологик ва оммавий-сиёсий ишларни кучайтирмагани, ҳар бир коммунист, ҳар бир ишчини қайта қуриш руҳида тарбиялаш бобида сусткашлик қилаётгани сабаб бўлаётир.

Хўжаликка партиявий раҳбарлик, ташкилий-тарбиявий ишларда расмиятчилик ва қоғозбозлик умум ишига катта зарар етказади. Ҳолбуки, район партия ташкилоти ҳамон ана шу қусурдан фориғ бўла олмаяпти. Ўтган ярим йилда 1985 йилнинг шу давридагига нисбатан 50 та кўп турли ҳужжатлар қабул қилингани ва бошланғич ташкилотларга юборилгани фикримизнинг далилидир. Пленумда конкрет қарорлар қабул қилиш ва унинг ижросини таъминлашда принципиаллик билан иш олиб бориш, бу соҳада ҳар бир бошланғич партия ташкилотининг масъулиятини оширишга эришиш зарурлиги алоҳида уқтирилди. Ана шундагина қоғозбозликка қатъиян чек қўйиш мумкин.

Бу йилги шароит ҳар бир деҳқон, ҳар бир коммунистдан большевикларга хос юксак жасорат кўрсатиб меҳнат қилишни талаб этмоқда. Афсуски, ҳамма жойда ҳам шунга эришилаётгани йўқ. Қолоқлик рўй бермоқда. Бунинг оқибатида жами пахта майдонининг деярли ярмида ғўзалар ривожи ўтган йилга нисбатан 15 кун орқада қоляпти. Район агросаноат бирлашмаси кенгаши (раиси Ш. Исроилов) бундай аҳвол билан муроса қилиб келаётганлиги ажабланарлидир. Ф. Хўжаев номли ва Охунбобоев номли совхоз партия ташкилотларида суғориладиган экин майдонлари, минерал ўғитлар, техника самарадорлигини ошириш юзасидан қабул қилинган қарорлар қоғозда қолиб кетяпти. Бундай юзакичилик натижасида бу хўжаликларда фондлар самарадорлиги қўйи совхозлардагига нисбатан 30—35 процент камайиб кетди.

Пленум қатнашчилари айрим хўжалик раҳбарларининг кадрлар билан ишлаш соҳасида бошланғич партия ташкилотлари билан ҳисоблашмай қўйганлигини ташвиш билан гапирдилар. Ҳ. Олимжон номли совхозда ана шундай воқеа содир бўлди. Хўжалик директори Б. Тиловбоев иш айни қизиган пайтда партия комитети билан келишмай туриб икки агроучастка бошлиғи ва бош ирригаторни ўзбошимчалик билан ишдан бўшатиб юборди. Охир оқибатда район партия комитети бу ишга аралашишга мажбур бўлди.

Пленумда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

А. МАДАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ РЕСПУБЛИКА СОВЕТИДА

ИЛҒОРЛАР ТАШАББУСИГА КЕНГ ЙЎЛ

Ўзбекистон Касаба союзлари республика Советининг Президиуми ўн иккинчи беш йилликда энг юқори меҳнат унумдорлиги билан ишлашга қарор қилган Наманган аврли газламалар шойи комбинатининг тўқувчиси А. Тошбоев билан «Мубарекгаздобича» ишлаб чиқариш бирлашмасидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Д. Қурбонов бригадасининг ташаббусини маъқуллади.

Қабул қилинган қарорда республика меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1986 йил июнь Пленумининг қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисида мамлакат меҳнаткашларига қилган Мурожаатномасини қизғин қўллаб-қувватлаётганликлари, Пленум қарорлари ва бу Мурожаатнома уларнинг меҳнат ғайрати ва ижтимоий-сиёсий активлигини яна бир бор жўш уриб юборганлиги таъкидланади.

«Распадская» шахтасидан В. М. Гвоздев бригадаси билан Главтюменнефтегаздан В. Л. Сидорейко бригадасининг ВЦСПС маъқуллаган ташаббуси кенг ёйилмоқда. Бу бригадалар КПСС Марказий Комитетининг Мурожаатномасига жавобан меҳнат унумдорлигини ўстиришни тезлатишда ҳақиқий бурилиш ясаб, беш йиллик охирига мўлжалланган иш унумига 1987 йил 7 ноябрига эришиш, 1990 йилда эса ундан камида икки баравар ўзиб кетишни таъминлашга қарор қилган.

КПСС XXV съезди номидаги Наманган аврли газламалар шойи комбинатининг тўқувчиси А. Тошбоев бу ташаббусни Ўзбекистонда биринчилар қаторида қўллаб-қувватлаб чиқди. У меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш, ҳар минут ишдан вақтидан оқилона фойдаланиш ҳамда машина-ускуналарга хизмат қилиш зонасини кенгайтириш ҳисобига ўн иккинчи беш йиллик охирига мўлжалланган меҳнат унумдорлиги даражасига 1986 йилнинг декабрида эришишга, 1990 йилга борганда эса ундан икки баравар ўзиб кетишга қарор қилди.

«Мубарекгаздобича» ишлаб чиқариш бирлашмасидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Д. Қурбонов бригадаси илгари зиммасига олган мажбуриятларини кўриб чиқиб, меҳнатни янада аниқроқ ташкил этиш, машина-ускуналарнинг техникавий ҳолатини яхшилаш асосида ўн иккинчи беш йиллик охирига мўлжалланган меҳнат унумдорлигига 1988 йилнинг декабрида эришишга, 1990 йилга борганда эса ундан 1,6 баравар ўзиб кетишга қарор қилди.

Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети Президиуми касаба союз кенгашлари ва комитетларига шу ватанпарварлик ташаббусини ҳамма чоралар билан қўллаб-қувватлаш ва кенг тарқатиш, энг юқори иш унумдорлигига эришиш оммавий ҳаракатини қулоч ёйдириш вазифасини топширди. Шу мақсадда машина-ускуналар ва станокларнинг ишлаб чиқариш қувватларидан янада тўлиқ фойдаланиш, резервларни активроқ ишга солиш зарур.

(ЎзТАГ).

КПСС XXVII съезди, партия Марказий Комитети 1986 йил июнь Пленуми қарорларини оғишмай амалга ошириш учун курашаётган, ўн иккинчи беш йилликни барвақт бажариш учун социалистик мусобақани авж олдирган Янги Қўқон химия заводи меҳнат аҳли фаолиятида олдинга силжиш сезилмоқда. Бу ерда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 баравар кўпайди. Шунисси эътиборга сазоворки, бунга ишлаётганлар сонини оширмасдан эришилди.

Янги техника имкониятларидан унумли фойдаланилаётгани, қатъий интизом ва тартиб ўрнатилгани туфайли смена нормалари ошириб бажариляпти. Ўтган олти ойда планга қўшимча 1220 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Суратда: аммофос цехининг илғор оператори Абдужаббор Қаландаров.

Ш. Олимов фотоси (ЎзТАГ).

ЯНГИЧА ФОРМАДА

Норин районидаги «Пахтакор» колхозида оммавий-сиёсий ишлар маркази ишлай бошлади. Унга партия, комсомол сиёсий маорифи кабинети, жанговар ва меҳнат шон-шуҳрати уйи, маданият клуби, кутубхона, иқтисодий ўқув кабинети бирлашган. Марказ оммавий-сиёсий ишлар — лекция тарғиботи, меҳнаткашлар ўртасида атеистик тарбия ишларини олиб бориш, контрпропагандани ташкил этишнинг ягона ташкилий-методик органи бўлиб хизмат қилаётир.

Хўжаликда оммавий-сиёсий ишлар марказининг яратилиши партия ва жамоат ташкилотларининг инсон омилини ҳар томонлама активлаштириш, ишлаб чиқариш жараёнларини жадаллаштириш, сиёсий-тарбиявий ишни такомиллаштириш йўлидаги изланишлар натижасидир. Ташкилий-тарбиявий ишнинг бу янги формаси катта қизиқиш уйғотмоқда. Яқинда областдаги барча районларнинг партия ходимлари «Пахтакор» колхозида бўлиб, оммавий-сиёсий ишлар маркази билан танишдилар.

Область партия комитети ушбу хўжалик партия ташкилотининг бу соҳадаги фаолиятини маъқуллади. Сиёсий маориф уйи оммавий-сиёсий ишлар марказини ташкил этиш бўйича махсус тавсиянома ишлаб чиқди ва уни барча колхозлар, совхозлар, саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари бошланғич партия ташкилотларига амалий фаолиятда қўлланиш учун юборди.

«Пахтакор» колхози партия ташкилотининг оммавий-сиёсий ишлар марказини ташкил этиш бўйича тажрибаси ҳозир областда кенг қўлланилмоқда. Чортоқ районидаги Карл Маркс номли колхозда, Задарё районидаги «Гигант», «Правда», Косонсой районидаги «Қўқимбой», Худойбердиев номли совхозларда, Куйбишев номли колхозда ана шундай марказлар ташкил этилди.

А. АБДУЖАЛИЛОВ,

ЖАНГОВАР АТЕИЗМ УЧУН

ПРИНЦИПСИЗЛИК

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюро мажлисида Самарқанд район партия комитетининг биринчи секретари М. Шерқулов лавозимидан озод қилинди.

Очиғи, бу хабар районга чақмоқ чақиндек таъсир қилди. Беш минг коммунистни бирлаштирган район партия ташкилотига раҳбарлик қилаётган М. Шерқулов баобрў секретарлардан ҳисобланарди. Районнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳам ёмон эмасди. Хўш унда райком секретари нега ишдан олинди?

«Боғизоғон» совхозининг ишлаб чиқаришда эришаётган ютуқлари барчани қувонтиради. Райондаги энг йирик боғдорчилик ва мевачилик хўжалигининг маҳсулотлари Иттифоққа машҳур. Совхоз коллективи меҳнатдаги юксак кўрсаткичлари учун бир неча бор кўчма Қизил байроқлар, дипломлар ва Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Бу ютуқларда 1974—1982 йиллар мобайнида хўжалик директори лавозимида ишлаган М. Шерқуловнинг ҳам озми-кўпми ҳиссаси бор, албатта.

Ҳа, М. Шерқуловни ишнинг кўзини биладиган, тадбиркор раҳбар дейишарди. Хизмат пиллапояларидан юқори кўтарилиб боришида ҳам, аввало, мана шу ташкилотчилик қобилияти ҳисобга олинганди.

Афсуски, бугунги кунда тадбиркор хўжалик раҳбари бўлишнинг ўзи камлик қилади. Раҳбар одамлар билан ишлайди, ҳамиша ҳамманинг кўз ўнгида бўлади. Ўз юриш-туриши, эътиқоди билан оммани тарбиялайди. Шу туфайли ҳам партия янги типдаги раҳбардан чуқур ғоявий эътиқодли бўлишни, ташаббускорона фикр юритишни, ишга партиявий принципиаллик билан ёндашишни талаб қилмоқда.

М. Шерқулов бутун эътиборни ишлаб чиқариш масалаларига қаратди, планларни бажаришни энг асосий вазифа деб билди. Директорлик пайтида хўжалик, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари фаолиятини ҳам асосан ишлаб чиқариш масалаларига қаратишга интиларди. План топшириқларининг бажарилишидаги салмоқли ютуқлар хўжалик раҳбар кадрлари, коммунистларида хотиржамлик кайфиятини келтириб чиқарди. Натижада коллектив ўртасида олиб бориладиган идеологик, сиёсий-тарбиявий ишлар оқсай бошлади. Айниқса, атеистик тарбиянинг бўшашуви оқибатида айрим кишилар хурофотга берилдилар.

«Боғизоғон» совхозига қарашли Абдулласарой қишлоғи чеккасидаги ташландиқ қабристон илгари ҳеч кимнинг назарига тушмасди. Диний урф-одатларни тарғиб қилувчи кимсалар бу мозорни «Бандикушод ота» номи билан улуғлай бошладилар. Унинг ёнида яна бир «муқаддас қабр» топилиб, у «Бибимушкулкушод» деб номланди. Ривоятлар тўқилди: эмишки, бир вақтлар бу ердан катта карвон йўли ўтган бўлиб, ундан қуллар олиб кетиладиган экан. Шу ерга келганда бандиларнинг кишанлари ўз-ўзидан узилиб, улар сипоҳлар билан қураш бошлабдилар. Жанг пайтида бир қул ўлиб, шу ерга кўмилибди. Ана шу ўлган банди авлиё бўлиб, қуллар унинг каромати билан озод бўлган эмиш. «Бандикушод»га келиб сиғинганлар гуноҳлардан фориғ бўлармиш. «Бибимушкулкушод» эса одамларнинг мушкулини осон қилармиш. Бундай тарғибот баъзи содда, иродасиз кишиларни ўз домига тортди.

Шу ерда яна бир ривоят келтирайлик. Бир куни Насриддин Афанди ёнғоқ ўйнаб юрган болаларни алдамоқчи бўлиб, уларга нариги кўчада бир қоп ёнғоқ тўкилиб ётганлигини айтибди. Болалар бу гапга чиппачин ишонишиб, ўша томонга ғизиллашибди. Шунда уларни кузатиб турган Афанди: «Ие, ростга ўхшайди-ку», — деб ўзи ҳам югуриб қолган экан.

Абдулласарой қишлоғида яшовчи айрим шахслар ҳам Афандининг қўйига тушишди. Дастлаб ўзлари тўқиган ҳангомага ишонмаган одамлар қарабсизки, «муқаддас қадамжо»ни ободонлаштириш қўйига тушиб қолишди. Бу ишга ҳатто хўжалик, ташкилот ва идораларнинг айрим раҳбарлари ҳам кўмаклашиб юборишди. Ҳай-ҳув демай, «Бандикушод» қабри устига мақбара қурилди, атрофига йўлкалар қилинди.

Дилларидаги аллақандай ғуборни «муқадас жой»га садақаю эҳсон қилиш йўли билан кетказмоқчи бўлган ҳотамтойлар мақбара қуриш харажатининг бир қисмини кўтардилар. Жумладан, собиқ савдо ходими Р. Қурбонов мақбара учун ўз маблағига ҳашаматли эшик тайёрлатиб берди. Дин йўлида садақа қилишдан уни партия, совет органларида ишлаётган фарзандлари ҳам қайтариб қололмади. Фақат мақбара олимлар томонидан ўрганила бошлангандигина эшикдаги «Р. Қурбоновдан совға» деган ёзув сирли равишда ўчириб ташланди. Бу ерда турли вақтларда 7-ремонт-қурилиш бошқармаси ва 6-механизациялашган кўчма колонна ишчилари ишлади.

Ўша пайтларда «Боғизоғон» совхози директори бўлган М. Шерқулов ва қишлоқ Совети ижроия комитети раиси лавозимида ишлаган Б. Ҳожиқуловларнинг бу қурилишдан хабарлари йўқ эди дейиш, албатта, кулгилидир. Улар адашишди. Қабр тошидаги эски ёзувни кўриб, уни тарихий ёдгорлик деб ўйлашди. Лекин, бу тахминни ойдинлаштириш ҳақида бош қотиришмади. Улар хўжаликнинг бир гектардан ошиқ экинзори «зиёратгоҳ»га ўқ-ўшиб олинганида ҳам бепарво бўлишди. Аксинча совхоз маъмурияти бу ерга сув чиқарувчи насос ўрнатиб, унга Субҳон Сандовни қоровул қилиб тайинлади. У қоровуллик билан бирга «муқаддас қадамжо»ни ободонлаштириш билан шуғулланди, назру-ниёз йиғди. Мақбара битгач, сохта диндорларнинг ташвиқотига учган соддаджиллар кўпайиб қолди, садақалар сариқ чақадан - сўлкавойга, қоғоз пулларга, товуқ, қўй-эчки каби жонзотларга айланди.

Қишлоқ аҳлининг орасида маҳаллий партия, совет органларига мурожаат қилувчилар ҳам кўпайди. Улар «Бандикушод» атрофига йиғилган сохта диндорларнинг кирдикорларини фош этишни талаб қилишарди. Аммо, шикоятлар, ҳаққоний талаблар тўғри, принципиал ўрганилмай, кўпинча текширувлар натижаси «Бандикушод ота» фойдасига ҳал бўлаверди.

Қози суст бўлса, даъвогар кўпайганидек, шайхликни талаб қилувчи текин даромад ишқибозлари ҳам қўпилиб қолди. Қаранг-ки, маҳалла комитетида уларни қўйидагича йўл билан муросага келтиришди. Яъни, сиғинувчилар келадиган чоршанба ва шанба кунлари мозорда навбатма-навбат шайхлик қилинадиган бўлинди. Бош шайх сайланиб, навбатчиликда турганлар унга 50 сўмдан пул тўлай бошлашди. **Бош шайх —22-қишлоқ ҳунар-техника билим юртининг ишлаб чиқариш мастери Яҳё Зикиров эди. Хуллас, «муқаддас жой» хурофот ботқоғими, баднафслик ўпқонимни билиб бўлмасди. Аммо бир нарса аён эди, бу ерга келиб сиғинаётганлар бирор бир касалликдан фориғ бўлмас эдилар.**

1985 йилда «зиёратгоҳ»ни яхшилаб ўрганиб, у ердаги сохта диндорлар фаолиятига чек қўйиш масаласи кўтарилганда ҳам бу пайтга келиб район партия комитетининг биринчи секретари лавозимида ишлаётган М. Шерқулов хурофот ботқоғини қуритиш ўрнига яна иккиланди, узоқ иккиланди...

Ниҳоят, 1986 йилнинг январь ойи ўрталарида район ижроия комитети раисининг ўринбосари, ижроком қошидаги диний маросимлар ҳақидаги қонунига риоя этишни назорат қилиш комиссиясининг раиси М. Жумаев мутахассис-олимларга мурожаат этиб, «Бандикушод» мозорини ўрганиб беришни илтимос қилди.

Олимлар шундай хулосага келдилар: «Бандикушод» қабри тошига «Султонароби — амир шайх Юсуф қизи» 862 (ҳижрий) йили ўлган». (мелодий—1458 йил—(автор) деган сўзлар ёзилган экан. Бу ерга ҳеч қандай авлиё кўмилмаганлиги шундан ҳам аён бўлиб қолди. Олимларнинг таъкидлашича, Амир шайх Юсуф Улуғбек замонасида яшаган саркардалар-дан бири бўлган. Ўз-ўзидан маълумки, қабр тошидаги ёзувнинг тарихий аҳамияти ҳам йўқ эди.

Шу фактнинг ўзи сохта диндорларнинг фирибига учган айрим соддадил кишиларнинг ғазабини қўзғатди. Қишлоқ аҳлининг йиғилиши ўтказилганда, улар мозорни бузиб ташлашни талаб қилдилар. Аҳоли турли табақалари ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилгандан сўнг қабр очилди. Одамлар қабрда ҳам, ундан чуқуроқда ҳам ҳеч қандай жасад йўқлигига шоҳид бўлдилар. «Бибимушкулкушод» қабридан ҳам ҳеч қандай авлиё жасади топилмади. Қишлоқ аҳлининг таъкидлашича, бу «қадамжо» ҳам 1970 йилларда сохта шайхлар ташаббуси билан барпо этилган экан.

Биз анча одамлар билан суҳбатлашдик. Маълум бўлишича, «зиёратгоҳ»га асосан бошқа жойлардан келиб сиғинишар экан. Қишлоқ аҳлининг аксарият қисми эса, бу ернинг муқаддаслигига ишонмайди. **Пенсионер-онахон Тўтихон Бурхонова жумладан шундай дейди:**

— Илгари биз ўша ерларда пахта етиштирардик. У пайтларда «муқаддас қабр» йўқ эди.

— Унда «Бандикушод ота» қаердан пайдо бўлди?

— Ҳа, энди буям бир гап-да, болам. Мен шифокорларга ишонаман. Давлатимиздан ўргилай, шундай шифохоналар қуриб қўйибди. Бировларга кинна солиб, ўзини дўхтирга қаратадиган отинбиби, отинойиларни кўп кўрганман.

Суҳбатни 22-қишлоқ ҳунар-техника билим юрти мастери Яҳё Зикиров билан давом эттирдик. У киши «Бандикушод» қабрига гумбаз ўрнатилаётганида педагог бўлгани учун иштирок этмаганлигини таъкидлаб қўйди.

— Яхши, унда бош шайх сифатида 50 сўмдан пул йиққанингиз ростми? — сўраймиз Зикировдан. У бироз муддат каловланиб, сўнгра жавоб берди:

— Ҳа, маҳалла комитети аъзоси сифатида пулларни мен асраганман. Лекин бир тийинини сарф қилганим йўқ.

— Демак, сиз бидъатга ишонар экансиз-да?

— Йўқ, ишонмайман.

— Унда нимага садақа пули тўпладингиз?

— Ахир бу пул-ку! Кўчага ташлаб юборишим керакмиди?

Яҳё Зикировнинг тушунчаси ҳам қайрон қолдиради. Мақбара қурилишида «педагог бўлганлиги учун» иштирок этмабди. Аммо, шу ерга тушган садақани йиғишга унинг виждони қийналмабди. Райондаги 85-мактаб ўқитувчиси Х. Ўрозов ҳам дарсдан бўш пайтлари «зиёратгоҳ»га келиб кетишдан таскин топаркан.

Хурофотга берилиш ҳоллари райондаги медицина ходимлари ичида ҳам учрайди. Атеистик тарбияда медицинанинг роли нақадар юксаклигини била туриб, айрим врачлар бидъатга берилгач, ўзгалар ҳақида нима ҳам дейиш мумкин, ахир.

Бундан ҳам ачинарлиси коммунистнинг диний хурофотларга ўралашиб қолишидир. Коммунистик эътиқоди заиф бундай одамлар партия шаънига доғ туширадилар. Афсуски, **«Ленин байроғи» ва Куйбишев номли колхозларнинг партия комитетлари коммунист бўла туриб масжидга қатнаган Ф. Муродов ва Қ. Ҳасановга оғоҳлантириш ва оғзаки виговор бериш билан чекланди, холос. Район партия комитети эса бу ҳолни кўрабила туриб, эътиборсиз қолдирди.**

Олдимизда даста-даста қоғоз. Буларда район партия комитети, район ижроия комитети ва Боғизоғон қишлоқ Совети ижроия комитетининг меҳнаткашларни атеистик руҳда тарбиялашга бағишлаб ўтказган ва ўтказиши лозим бўлган тадбирлари акс этган. **Бу масала сўнгги икки ярим йил мобайнида район партия комитети бюросида саккиз марта, партия активи йиғилишида икки марта муҳокама қилиниб, кўпдан кўп қарорлар, тадбирлар белгиланган.** «Шарқ тонги» район газетаси саҳифаларида шу мавзуга доир қатор мақолалар берилган. Меҳнат коллективларида, клублар, дала шийпонлари ва чорвачилик фермаларида шу йилнинг ўтган даври мобайнида атеистик темада 300 дан ошиқ лекция ва суҳбатлар ўтказилди. «Савол-жавоблар», «Мўъжизасиз мўъжизалар» кечалари уюштирилган. 80 кутубхона, 24 маданият уйи, 23 клуб ходимлари аҳоли ўртасида атеистик пропаганда ишларини олиб бормоқдалар. Районда 42 кишидан иборат атеист-лекторлар методик кенгаши ишлаб турибди. **Аммо буларнинг пировард натижаси талаблар даражасида бўляптими? Афсуски, йўқ.**

«...Мен тарбиянинг энг муҳим формаси сифатида якка тартибда иш олиб бориш хусусида тўхталиб ўтмоқчиман, — дейди ўртоқ М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитети номидан партия XXVII съездида қилган Сиёсий докладида. — Бу ишга эътибор беримаётир, деб бўлмайди, аммо идеология соҳасида ҳам одат тусига кириб қолган «ялпи» ёндашиш жиддий халақит бермоқда. Бу соҳадаги рақамлар ҳақиқатан ҳам зўр таассурот қолдиради... Аммо, рақамлар ва «қамраб олишлар»нинг ана шу силсиласида жонли одам четда қолиб кетмаётирми?».

Ҳа, тарбия ишида ғоят даражада конкретликка эришиш муҳимдир. Хусусан атеистик тарбия — фақат динни қоралаш, эскилик сарқитларига қарши оғизда кураш олиб боришдан иборат бўлиб қолмаслиги керак. Бир йиғилиш қарори билан одамлар онгидан хурофотни чиқариб ташлаш мумкин эмас. Атеистик тарбия ҳужумкор, ишонтирувчан, илмий ва ҳаётий асосга эга бўлиб, ҳар бир иккиланувчининг онгига етиб боргандагина самара беради.

Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида динга қарши пропаганда ва атеистик тарбия проблемаси — республика партия ташкилотлари олдида турган жиддий проблемалардан бири эканлиги таъкидлаб ўтилди. Съездда бир қанча партия ташкилотлари динга йўл қўйиб бераётганликлари, қолоқ анъаналарга ва урф-одатларга эрк бериб қўйганликлари принципиал танқид қилинди.

Самарқанд район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари хурофотга қарши ўз вақтида курашмай, унинг газак олишига йўл қўйиб бермоқдалар. Райкомнинг шу йил 30 январдаги бюро мажлисида «Бандикушод» зиёратгоҳи масаласи кўрилган бўлса ҳам айбдорлар қилмишига принципиал баҳо берилмади. Бу масала, райкомнинг 24 февраль куни бўлиб ўтган бюро мажлисида яна бир бор муҳокама қилинди.

Аммо яна шу аҳвол: принципсизлик, юзакичиликка йўл қўйилди. Бюрода «Боғизоғон» совхозининг директори, «Бандикушод» мақбараси қурилганда қишлоқ Совети ижроия комитети раиси бўлиб ишлаган Б. Ҳожиқуловнинг айби кўрсатиб ўтилди, холос. Ваҳолонки, бюро Ҳожиқуловга ҳам, ўша пайтда совхоз директори бўлган М. Шерқуловга ҳам жиддий партиявий чора кўриши керак эди. Йўқ, афсуски, ундай бўлмади. **Бюрода хотиржамлик ҳукм сурди. У биринчи секретарь М. Шерқуловнинг хоҳиши бўйича қарор қабул қилди. Райком секретарлари Н. Кузьминский, С. Азимова ва қолган бюро аъзолари принципсизлик позициясига ўтиб олдилар.** Бу эса райкомнинг Советлар фаолиятига раҳбарлигида ва, умуман, бутун фаолиятида юзакичиликни, бўшашувчанликни юзага келтирди.

Бундай юзакичилик область партия комитети фаолиятида ҳам содир бўлди. Жумладан, обкомнинг 4 апрелдаги бюро мажлисида «Боғизоғон» совхози территориясидаги ғайриқонуний йўл билан қурилган «Бандикушод» мақбараси масаласи кўрилди-ю, райкомнинг биринчи секретари М. Шерқуловга... районда атеистик тарбияни кучайтириш лозимлиги кўрсатиб(!) ўтилди, холос. Фақатгина, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида район партия комитетининг бошқа жабҳалардаги каби, атеистик тарбия хусусидаги фаолиятига ҳам ҳаққоний баҳо берилиб, райкомнинг биринчи секретари М. Шерқулов вазифасидан озод этилгандан сўнггина қуйида жонланиш сезилиб қолди.

Жумладан, район партия комитети бюросининг 4 июлдаги мажлиси кескин, партиявий принципиаллик руҳида ўтди. Масъулиятсиз, иккиланувчи, ғоявий савияси етук бўлмаган раҳбарларга партиявий жазо берилиб, лавозимидан бўшатилди. Чунончи, Боғизоғон қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси М. Давлатов, «Боғизоғон» совхози партия комитети секретари Ғ. Лаханова ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан виговор эълон қилинди. Совхоз директори Б. Ҳожиқуловнинг партиявийлигини кўриб чиқиш бошланғич партия ташкилотига топширилди.

Район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари хотиржамлик кайфиятидан тезроқ қутулиб, идеология ишининг самарадорлиги ва ҳужумкорлигини оширишга жиддий эътибор беришлари керак. Партиявий ишни қайта қуриш талаблари ана шуни тақозо этади.

А. РАҲИМБЕРДИЕВ,
Ж. МАМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

НАВОИЙ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ:

— Нурота районидаги «Нурота» совхозида яшовчи Д. Норованинг аризаси кўриб чиқилди. Унда баён этилган фактлар тасдиқланди.

Ҳақиқатдан ҳам «Нурота» хўжалик ҳисобидаги савдо бирлашмаси директори Х. Йўлдошев планни бажариш мақсадида савдо нуқталари мудирларига нотўғри кўрсатма берган. Камчиликларга йўл қўйганлиги учун Х. Йўлдошев огоҳлантирилди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОФЛИҚНИ САҚЛАШ БЎЛИМИ:

— Фарғона область Киров районидаги Киров номли совхозда истиқомат қилувчи М. Болтаевнинг Бекобод район марказий касалхонаси хирургия бўлимининг баъзи врачлари устидан ёзган шикоят хати махсус комиссия томонидан текширилди.

Хулоса шуки, даъволовчи врач А. Шодмонқулов беморга етарли эътибор бермаган. Болалар хирурги А. Оқмўллаев беморнинг диагнозини аниқламаган ва уни касалхонага ўз вақтида ётқизмаган. Навбатчи врач У. Йўлдошев ҳам беморга жиддий эътибор бермаган, педиатр-врач консультациясидан ўтказмаган.

Бекобод район марказий касалхонаси бўйруғи билан бемор болага эътиборсизлик билан қараганликлари учун врачлардан А. Шодмонқулов, А. Оқмўллаев, У. Йўлдошев, навбатчи ҳамшира Э. Иброҳимоваларга қаттиқ хайфсан берилди.

* * *

ШИКОЯТ ХАТ ТАСДИҚЛАНМАДИ

Редакциямизга келаётган баъзи ариза ва шикоятлар тегишли ташкилотлар томонидан текширилганида уларда баён этилган фактлар тасдиқланмаётир. Масалан, наманганлик Б. Сатторов аризасига Ўзбекистон ССР Прокуратурасидан олинган расмий жавобда шундай дейилади: «Б. Сатторовнинг хати Наманган область прокуратураси томонидан бир неча марта текширилди. Бироқ ундаги фактлар тасдиқланмади. Тергов органлари Б. Сатторовга нисбатан жиноий иш қўзғатди. Наманган шаҳар халқ суди ҳукми билан туҳмат қилганлиги учун у икки йилга шартли равишда озодликдан маҳрум этилди».

Бундан ташқари Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети хўжайлилик Н. Баллиевнинг аризаси, Фарғона область партия комитети Фрунзе районлик М. Аҳмадалиевнинг хати, Қашқадарё область агросаноат комитети яккабоғлик С. Даминовнинг шикояти тасдиқланмаганлигини маълум қилади.

НАФОСАТ ОЛАМИГА САЁҲАТ

ҚАЛБДАН КЎЧИРМА

«Ўз юртининг шаҳар ва қишлоқларини боқидан охиригача айланиб, томоша қилиб чиққан киши кам топилади. Бунга вақт ҳам етмайди, чарчайсиз ҳам. Агарда сизда шундай хоҳиш бўлса-ю, улгуролмасангиз, яхшиси, қулай имконият — уста рассомларнинг асарларидан фойдаланинг».

Рассом Георгий Чиганов асарларини томоша қилаётиб, беихтиёр буюк санъаткор Сергей Герасимовнинг ана шу сўзларини эсладик. Мана, мўйқалам соҳибининг «Латвия бўйлаб» деган туркуми. У йигирмата асардан иборат. Матбуот, радио, телевидение, китоблар ва Болтиқ бўйи республикаларига сафар қилган дўстларимиз ҳикоялари орқали бу диёр ҳақида маълум тасаввурга эгамиз. Туркум мана шу кичик тасаввуримизни бойитади, интернационалистик ҳиссиётимизни теранлаштиради.

Рассом тўғри келган воқелик ёки манзарани қаламга олмайди. Унинг тасвиридаги ҳикоят ва кўринишлар биз учун тамоман янги. Улар характерли штрихларда ҳаётий қилиб ифодаланган. Картиналарда акс этган жимлик-сокинлик, яшиллик, тўлқинлар, барқ уриб турган гуллар, кулиб турган қуёш, миноралар эзгу рамзлар ва ишоралардир. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш керак. Чиганов дарёларни алоҳида муҳаббат билан чизади. Деярли барча туркумида дарёлар тасвирланган асарлар бор. Рассом улуғ инсоний фазилат — бағри кенглик, бағри дарёликни худди шу штрихда кўрсатади.

«Совет Туваси» туркумида кўпроқ қишлоқларни кўрамиз. Бу қишлоқлар Совет ҳокимияти йилларида гуллаб-яшнаган масканлардир. Санъаткор ўзгаришларни тасвирлаганда қиёслаш усулидан фойдаланади. Бу усул бир қарашда ончалик сезилмайди. Диққат қилинса, талқинда «кечаги кун» шундоққина билиниб туради.

Чигановнинг «Ўзбекистон бўйлаб», «Гуллаб-яшнаган Ўзбекистон», «Ўзбекистон пейзажлари» туркумлари эса, бизга севимли, жонажон бўлган она табиатни, маскан ва манзараларни, шаҳар ва қишлоқларни, воқелик ва одамларни янада қадрдон қилади. Санъат мухлислари Шоҳимардон, Бурчмулла, Сўқоқнинг бетакрор манзаралари билан қайта учрашади. Улар билан ҳамнафас бўлгандек, ўша жойларда яйрагандек ҳис қилади ўзини.

Рассом меҳнат кишиларининг бир туркум портретини яратди. Улар орасида хоразмлик механизаторларнинг қиёфасини акс эттирган асарлар анчагина. Мисол учун «Механизатор Усмон Мамадалиев портрети»да узоқ йил далада тер тўккан, эндиликда унумли меҳнатидан, меҳнатига бўлган юксак эътибор—қадрдан мамнун турган кишининг чеҳрасини кўрамиз. У кекса механизаторлар сафига яқинлашиб қолган бўлса-да, кўзларида яна илҳом билан ишлашга шиддат, интилиш акс этиб турибди. Умуман, Чиганов қаҳрамонлари бунёдкор, фидойи кишилардир.

Василий Лисов республикамизда натюрморт жанри устаси сифатида довруқ таратган рассом. Унинг бу жанрда яратган асарлари жуда кўп кўргазмаларда намойиш этилган, музейларга ўзига хос файз киритиб турибди.

Ижодкор портрет жанрида ишлаб, бир туркум асарлар яратди. Шуниси эътиборлики, Василий Лисов бу портретларини асосан колхозлаштириш ташкилотчиларига бағишлади. Жабборов, Сеитбоев, Рустамов каби ветеранлар ана шундай кишилардандир. Уларнинг қиёфаси тасвирий санъатимизда муносиб акс этди. Лисов қаҳрамонларнинг фидойилигини, ватанпарварлигини, она юрти ва халқига садоқатини, эртанги кунга бўлган барқарор ишончини оригинал штрихларда ифодалайди. Бизга мамнун, фахр билан боқиб турган ветеранлар ўз ишлари, ҳаётлари, курашлари ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қилаётгандай. Уларнинг кўксида қўша-қўша орденлар ва медаллар порлаб турибди. Баъзилари иккитадан, учтадан. Санъаткор қаҳрамонларнинг кийимига ҳам алоҳида эътибор берган. Улар ўттизинчи, қирқинчи йилларга хос бўлган кителларда тасвирланган.

Таниқли рассомларнинг асарлари айни кунларда Ўзбекистон Рассомлар союзининг кўргазмалар залида намойиш этилмоқда. Бу ерга ташриф буюраётган санъат мухлислари мароқли портрет, акварель, нартюрморт ва картиналар биринчи навбатда она-Ватанга, халққа ва табиатга бўлган чин муҳаббат самараси эканлигини эътироф этмоқдалар.

Ю. БЕРДИЕВ.

Тошкент области шаҳар ва қишлоқларида янгича урф-одатларни жорий этиш бўйича ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Оммавий халқ сайиллари ана шундай янгича анъаналарнинг биридир. Суратларда: Янгийўл шаҳридаги ўтказилган халқ сайлидан лавҳалар. В. Молгачев фотолари.

Меҳнатсиз даромад~жамиятимизга ёт!

Коллектив индамай турганида

Жиззах область офтальмология касалхонасининг беморларига маза-матрасиз овқат бериларди. Лекин бош врач ўринбосари С. Маматқуловнинг дастурхони ҳамиша ноз-неъматларга сероб бўларди. У меҳмонларни «саховат» билан кутарди. Меҳмон қилиш учун бир чақа ҳам кетмагач, қуриб қақшашга на ҳожат? Гўшт, балиқ ва бошқа маҳсулотлар ҳақини давлат тўларди. Лекин бу ноз-неъматлар касалхона қозони ўрнига Маматқуловларнинг ҳовлисидаги қозонга бориб тушарди. Ҳуқуқни қўриқлаш органлари аралашмаса, виждонини йўқотган врачнинг бу тўкин-сочин ҳаёти қанча давом этган бўлишини айтиш қийин. Энди Маматқулов ахлоқ тузатиш-меҳнат колониясида 14 йил «парҳезда» бўлади. Беморларни шилган бошқа фирибгарлар ҳам у билан бирга жазоланди. Оқибат қонуний бўлди!

— Ҳозир меҳнатсиз даромадларга қарши кураш юзасидан қўшимча чоралар кўрилмоқда, — дейди Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрининг биринчи ўринбосари Д. А. Асадов. Ҳар бир ўғирлик, тамагирлик ҳоллари коллективда ва Соғлиқни сақлаш министрлигининг коллегиясида муҳокама қилинмоқда ва энг қаттиқ чоралар кўрилмоқда.

Шу йил июнь ойида министрлик аппаратида, область соғлиқни сақлаш бўлимларида махсус комиссиялар тузилди. Улар медицина ходимлари профессионал бурчини, врачлик одобини бузган ҳамма ҳолларни прокуратура ходимлари билан биргаликда кўриб чиқмоқдалар. Контрол-ревизия хизмати жиддий тарзда мустаҳкамланди. Шу йил даволаш муассасаларининг 80 процентида комплекс текширувдан ўтказилади.

Қисқа муддат ичида кўпгина жиддий тартибсизликлар аниқланди. Масалан, Оҳангарон дезинфекция станциясининг бош врачи Ғ. Толипов бир қанча йиллар мобайнида давлат маблағини ўзлаштириб келган. Тошкент шаҳридаги 5-болалар инфекцион касалхонаси бўлимининг мудири Ғ. Ҳомидхўжаев пора билан қўлга тушди. Мана шу номуносиб ишларнинг ҳаммаси тўғрисида медицина жамоатчилиги хабардор қилинмоқда.

Ҳозир даволаш ва профилактика муассасаларининг раҳбарлари аттестациядан ўтказилмоқда. Бу иш бир неча областлар ва Тошкент шаҳрида ниҳоясига етди. Натижада ҳар ўн раҳбардан бири эгаллаб турган лавозимидан бўшатилди.

Лекин министрлик кучгайратининг ўзигина кифоя эмас, албатта. Ҳар бир коллективда даромад орттириш пайидан бўладиганларнинг пайини қирқадиган вазиятни вужудга келтириш керак. Партия ва касаба союз ташкилотлари, халқ контроли, барча медицина ходимларининг бурчи шу.

Ю. БОНДАРЕНКО,
Л. СТРУННИКОВА.
(ЎзТАГ).

Оқ халатдаги порахўр

Бухоро онкология диспансери химия-терапия бўлимининг собиқ врачи Мўмин Тўхтаев совет врачининг шаънига доғ туширди. Ўз номуносиб хулқ-атворини тўғри мушоҳада қилиб кўрмоғи учун энди фурсати етарли бўлади. Тамагирлиги ва беморлардан пора олгани учун у узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Ўтган йили баҳор чоғида когонлик Раҳим Б. Когон районлараро прокуратурасига мурожаат қилганидан кейин порахўрнинг «миси» чиқа бошлади. У анчадан бери диспансерда даволанаётгани, аммо врач Мўмин Тўхтаев унга зарур эътибор бермаётганлигини айтди: Раҳим Б. бир неча бор врачга мурожаат қилди. Аммо у диспансерда зарур дорилар йўқлигини айтди. Дори-дармонларни топиш мумкин, аммо бунинг учун... «бўёғини ўзингиз тушунасиз», қабилида муомалада бўлди. Хуллас, «мушук бекорга офтобга чиқмаслигини» айтди. Бемор Тўхтаевга 100 сўм беришга мажбур бўлди. Лекин у шундан кейин ҳам зарур процедураларни тайинлашни пайсалга солаверди. Раҳим Б. моддий ёрдам сўраб қариндошларига мурожаат қилди. Бир неча кундан кейин у Тўхтаевга яна 200 сўм берди. Лекин бу гал оқ халат кийган порахўр жиноят устида қўлга тушди.

Тергов чоғида М. Тўхтаев дорилар камчиллигини рўкач қилиб, илгари ҳам беморлардан пора олгани, тамагирлик қилгани аниқланди. Бунда у беорлик билан «берганнинг бетига қарама» қабилида иш тутаверган. Масалан, бир бемордан у бир яшик мол гўшти консервасини, бошқасидан эса ўзининг «Жигули» машинаси учун эҳтиёт қисмлар туркумини, учинчи бемордан икки шиша коньягу, икки плита шоколад ҳам олган.

Порахўр қаттиқ жазоланди. Аммо таажубланадиган ери шундаки, тергов пайтида ана шу юлғич врачга пул берган беморлар пора бераётгани уни инкор этишга уриндилар, жиноятчини хас-пўшлашга ҳаракат қилдилар.

Қаллоблар билан курашга бутун жамоатчилик бош қўшса, бу кураш енгилроқ кўчган бўлур эди.

А. ФОЗИЛОВ,
(ЎзТАГ мухбири).

Чайқовчилар

«Олтин водий» туристик комплекси ресторанининг буфетидан кеча-кундуз хоҳлаган пайтда маълум пул эвазига коньяк ва арақ сотиб олиш мумкинлигини баъзи «таниш» андижонликларгина билардилар. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари ўтказган рейд ана шу кенг авж олган ичкилик савдосига чек қўйди.

Ресторан залининг мудири Обид Аҳмедов бир неча шиша арақни сотмоқчи бўлиб турганида ушланди. Бу чайқовчининг «ғаладонидан» яна 13 шиша арақ чиқди. Официанткалар Ҳалима Ойсақова, Светлана Шарафатдинова, Людмила Плеханованлар ҳам «шеф» дан орқада қолишмаган. Уларнинг жами 50 шишага яқин беркитиб қўйилган арақ топилди.

Андижон Марказий универмаги секциясининг мудираси Солия Обидова ҳам пул ишлаб қолмоқчи бўлган. У «эътиборсизлик» орқасида 1207 сўмлик тақчил молларни яшириб қўйган. Бу молларнинг ҳаммаси чайқов нархлари билан сотишга мўлжалланган эди.

Чайқовчилик қилиб бойлик орттирмоқчи бўлганлар жиноий жавобгарликка тортилди.

(ЎзТАГ мухбири).
Андижон.

СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ●

ЧЕМПИОН ОЛДИНГА ЎТМОҚЧИ

КАСПАРОВ — КАРПОВ БАҲСИДА

Тўртинчи партияда жаҳон экс-чемпиони Нимцович ҳимоясининг бошқачароқ вариантини танлади. Тезда кескинлик юзага келди...

Ўн йил шахмат оламининг фармонбардори бўлган А. Карпов ҳамма назарий қўлланмалардан маълум Грюнфельд ҳимоясини билмасмиди? Билади, албатта! Ўз амалиётида кўп марталаб ўйнаб кўрган. Лекин гап бошқа ёқда. Ушбу реванш матчига атрофлича ҳозирланар экан, чамаси, Карпов харифидан бу дебютни кутмаган кўринади.

Бинобарин, Карпов принципиал системалардан вақтинчалик воз кечганлиги табиийдир. Бу нарса кутилган натижа бермаганлиги турган гап. Биринчи ва учинчи партияларда оқ доналарда ўйнаган тож талабгори атиги бир очко билан кифояланди. Хуллас, реванш матчининг дастлабки ҳафтасидаги назарий баҳс жаҳон чемпиони фойдасига ҳал бўлди. Лекин, бу ҳали бошланиши, холос.

Тўртинчи партияда Карпов қоралар билан тағин Нимцович ҳимоясини қўллади. Қораларнинг бешинчи юриши иккинчи учрашувдагидан ўзгача бўлди. Тахтада инглизча бошланишга хос вазият юзага келди. Ўйиннинг дастлабки юришларини томонлар деярли зўдлик билан бажардилар. Каспаров 11 юришга 6 минут, Карпов эса 16 минут сарфлади.

Яна икки юришдан сўнг гроссмейстерлар узоқ ўйлаб қолдилар. Сабаби аён — вазият чигаллашиб борарди. Оқлар иккита зўр филга эга бўлса-да, битта пиёдаси заифлашиб қолган эди. Харифлар олдида муаммолар тобора ортарди. Ана шунинг учун ҳам кейинги икки соатда атиги саккизтадан юриш қилинди, холос. Шу орада оқлар заиф пиёдасини қораларнинг мустаҳкам пиёдасига алмаштириб, икки филини зўрайтириб олди. Айни чоқда қора отлар ҳужум объектига айланиб қолди. Оқ фарзиннинг учбурчак шаклидаги ҳаракати кўпчиликда зўр таассурот қолдирди. Оқларнинг позициявий афзаллиги 31-юришда бир пиёдадан иборат моддий устунликка айланди. Яна бир неча доналар алмашувидан сўнг ўйин 40-юришда қуйидаги вазиятда кечиктирилди.



Шу ерда оқлар яширин 41-контрол юришини ёзиб қўйди. Каспаровнинг чеккадаги ортиқ ва йўли очиқ пиёдаси унга ғалаба келтирса керак. Масалан, 41.a6 дан сўнг 41... Kc5 бўлса, 42. Лc7 ютади. Хўш, сизлар қандай фикрдасиз?

М. МУҲИДДИНОВ.
«Совет Ўзбекистони» шахмат шарҳловчиси

(«Совет Ўзбекистони»нинг навбатдаги сони 8 августда чиқади).

Редактор ўринбосари
Т. НАЖМИДДИНОВ

РЕКЛАМА * ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

қурилиш ихтисосига эга бўлган ёлғиз эркак ва аёллар-ни, бошқа турдаги касб кишиларини Татаристон АССР шаҳарларида жойлашган «КАМГЭСЭНЕРГОСТРОЙ» бирлашмаси бўлинмаларига ва «ГЛАВТАТНЕФТЕГАЗСТРОЙ» қурилиш-монтаж трестларига

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

2 йил муддатга меҳнат шартномаси тузган ишчиларга бир йўла 200 сўм ёрдам пули, иш ерига етиб бориш ва меҳнат шартномаси муддати тугагач, яна аввалги яшаб турган ерига қайтиб келиш учун йўл харажатлари ҳамда суткалик ҳақ тўланади.

«КАМГЭСЭНЕРГОСТРОЙ» бирлашмасига йўлланма билан ишга юборилган ишчиларнинг турар жойлари аввал яшаб турган ерларида бронлаштирилади.

Справкалар ва ишга йўлланма олиш юзасидан қуйидаги адресларга мурожаат қилинсин:

ШАҲАРЛАРДА — аҳолини ишга жойлаштириш бюроси инспекторларига;

РАЙОНЛАРДА — меҳнат бўйича область бўлимларининг вакилларига;

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона ва ишга жойлаштириш бўйича район пунктларига.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ
47-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ РАДИО АППАРАТУРАСИ ВА ПРИБОРЛАРНИНГ ЙИҒУВЧИ-СЛЕСАРЛАРИ, РАДИО АППАРАТУРАСИ ВА ПРИБОРЛАРНИНГ МОНТАЖЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИ.

Радио аппаратураси ва приборларнинг йиғувчи-слесарлари группасига Тошкент шаҳрида яшовчи, ўрта маълумотга эга бўлган қизлар ва Совет Армияси сафида хизматни ўтаб бўлган йигитлар қабул қилинади.

Радио аппаратураси ва приборларнинг монтажчилари группасига Тошкент шаҳрида яшовчи ва ўрта маълумотга эга бўлган 17,5 ҳамда ундан катта ёшдаги қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 6 ой.

Ўқиш давомида 70 сўм стипендия тўланади.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАРНИНГ ТЎЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим: паспорт, ҳарбий билет, ўрта маълумоти тўғрисида ҳужжат, медицина справкаси (286-форма), 6 дона фотосурат (3x4 см).

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Сергели — 2 массиви, 64-«а» уй (якшанбадан ташқари ҳар куни 9 дан 17.00 гача).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

19-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИНИНГ

Ўзбекистон ССР Сабзавот-полизчилик ва картошка илмий-текшириш институти базасидаги

ФИЛИАЛИ

Янги ўқув йили учун
8 ва 10-синфни битирган йигит ва қизларни

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

САБЗАВОТЧИЛИК УСТАЛАРИ (ўқиш муддати 1 ва 3 йил).

Ўқувчилар стипендия, ётоқхона ва кийим-бош билан таъминланади.

Ўқиш даври узлуксиз иш стажига киради.

Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганлар олий ўқув юртларига конкурссиз кириб ўқиш ҳуқуқига эгадирлар. Уч йиллик группаларни битирганларга ўрта маълумот ҳақида ҳужжат берилади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни 25 августгача қабул комиссиясига топширишлари керак: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, 8 ёки 10-синфни битирганлиги тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, соғлиғи ҳақида справка (086/У форма), 3x4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат, колхоз ва совхоздан йўлланма билан келганлар ўз жойларига ишга юборилади.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Билим юрти филиалининг адреси: Тошкент области, Тошкент райони, Ўзбекистон ССР Сабзавот-полизчилик ва картошка илмий-текшириш институти (Келес автостанциясидан 290-автобусда сўнгги бекатгача келинади).

«Главташкентстрой»
«Строймеханизация» трестининг

2-МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИ

минорали кранларнинг машинистларини тайёрлайдиган 4 ярим ойлик курсларга

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Машғулотлар ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда рус тилида олиб борилади. Стипендия 75 сўм.

Курсларга 18 ёшдан катта бўлган қизлар ва Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар қабул қилинади.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Шимолий-Ғарбий саноат зонаси, Собир Раҳимов станцияси (122,103-автобусларнинг «7-автопарк», 17-трамвайнинг «К. Шарипов кўчаси» бекатлари).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Тошкентда биринчи марта «КОХ» иллюзион шоуси гастроллари** (19.30).

Ўзбекистон Театр жамияти коллективи Ўзбекистон Театр жамияти аъзоси, Ўзбекистон ССР халқ артисти, найчи

Аюб ҚОДИРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР



Редакция адреси: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-54-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Тингланг, томоша қилинг — 6 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

ТВ

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.45 — Мультфильмлар. 10.05 — «Саёҳатчилар клуби». 11.05 — «Янгра, гармон». 12.25 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — Грузия халқ қўшиқлари. 16.25 — «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». 17.00 — «Дунё бўйлаб 80 кун». Мультфильм. 3, 4, 5-сериялар. 18.05 — Фильм-концерт. 18.35 — Телефильм. 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — Мультфильм. 19.45 — «Дунё ва ёшлар». 20.25 — «Спрут». Бадиий фильм. 5-серия. 21.30 — «Время». 22.05— Москва — Кобул. Телекўприк. 24.00 — «Дунё воқеалари».

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Ҳужжатли фильм. 9.35 — «Аччиқ шувоқ». Бадиий фильм. 11.05 — «Қушлар ва жониворлар бир том остида». 11.35 — «Виктор Кингисепп ҳаётидан икки кун». Бадиий фильм, 1-серия. 12.40 — Немис тили. 13.10 — Мульт. фильм. 13.20 — «Бизни «Артек» дўстлаштирди». 13.35 — «Оддий мураккаб ҳақиқатлар». 14.05 — Автоспорт. Халқаро мусобақалар. 14.35 — Янгиликлар. 14.40 — «Музикали киоск». 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — «Қишлоқ янгиликлари». 19.45 — Футбол. СССР кубоги. 1/8 финал. «Металлист» — «Спартак». 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 20.50 — «Фан ва техника». 21.00 — Ритмик гимнастика. 21.30 — «Время». 22.05 — «Учрашув». Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 7.30 — Ритмик гимнастика. 7.50 — «Салом, кичкинтойлар!». 8.00 — Студент ёшлар учун. 8.20 — «Тонги тароналар». 8.30 — «Ахборот». 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — «Қизиқарли учрашув». 18.45 — Қўғирчоқ фильм. 19.00 — «Абитуриент-86». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Амалий давра суҳбати». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Пятницкий кўчасидаги қовоқхона». Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 15.10 — Москва-II. 18.00 — «Ҳаво сотувчи». Бадиий фильм. 1-серия. 18.50 — «Пионер телетайпи». 19.00 — Телефильм. 19.50 — Кинопрограмма. 21.00 — «Ҳушёрлик — ҳаёт нормаси». 21.30 — Москва-II.

Р

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 «Бизга мактуб йўллабсиз». 9.30 — «Мактаб, оила, тарбия». 10.15 — Эстрада миниатюралари. 11.15 — «Юность». 12.10 — Шахмат. Жаҳон чемпионати. 12.15 — «Ўзбекистан индустриальний». 13.00 — «Чорвадор». 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.40 — «Биз мактабга борамиз». 18.15 — Фортепьяно пьесалари. 18.30 — «Ўзбекистон бинокори». 19.25 — Рубоб тароналари. 19.40 — «Миллионлар ленинча университети». 20.50 — «Шеърият кечаси». 21.10 — «Қишлоқ оқшомлари». 22.30 — Радиотингловчиларнинг талабларига биноан концерт. 23.30 — Дам олиш концерти.

Р. — 08911. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроғи ордени босмахонаси. Б. — 182. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12